

26  
(1344)-son  
29-iyun  
2018

# Xabar

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan www.xabar.uz

## УШБУ

СОНДА:

### ҲАМКОРЛИК УФҚЛАРИ

АКТ вазири "EPAM Systems" компанияси президенти билан учрашди **2-бет**

### ИЛМ СКАУТЛАРИ

Билим олиш инсон учун етарли эмас, уларни ўсишига имкон бериш керак. **4-5-бетлар**

### ИНВЕСТИЦИИ, ГРАНТЫ, КОНСУЛЬТАЦИИ

Как ЕБРР поможет IT-бизнесу в Узбекистане **6-бет**

### БОЛАЛАР ЭКОТАРБИЯСИ

Бу борада уларга АКТ яқиндан ёрдам беради **10-бет**

### ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ

Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади **13-бет**

### МУТОЛАА

Нора (Ҳиноя) **14-бет**

### ЖЧ-2018

Амалдаги чемпион мундиални тарк этди **15-бет**

## ПУЛ ЎТКАЗМАЛАРИ

2018 йилнинг биринчи чорагида жисмоний шахслар томонидан хориждан Ўзбекистонга

**949,4** млн. доллар миқдорига пул ўтказмалари амалга оширилган.

Пул ўтказмаларининг улуши (давлатлар миқёсида):

Россия — 77,2 фоиз.  
Туркия — 5,1 фоиз.  
Қозоғистон — 4,2 фоиз.  
АҚШ — 3,8 фоиз.  
Корея Респ. — 2,3 фоиз.



ИНТЕРВЬЮ

## Тўлқин ТЕШАБОВЕВ: УНИВЕРСИТЕТНИНГ ХАЛҚАРО МИҚЁСДА НУФУЗИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА ИШЛАЯПМИЗ

Шу кунларда абитуриентлар ҳужжатларини олий ўқув юр்தларига топшириш учун елиб-югуришларни бошлаган. Ташвишли, аммо ширин бу югур-югур инсон ҳаётида муҳим бурилиш ясаши аниқ. Ўз навбатида, олий ўқув юр்தларида ҳам ҳужжатларни қабул қилиш жараёнлари тобора қизиб бормоқда. Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ректори Тўлқин ТЕШАБОВЕВ билан шу ҳақда суҳбатлашдик.

3-бет ▶

## ЭЪТИРОФ

### НАВОИЙ ВИЛОЯТИДАГИ МУХБИРИМИЗ "ДЎСТЛИК" ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАНДИ

Республикаимиз аҳолисига Маруса ҲОСИЛОВА номи яхши таниш. "Xabar" газетасининг Навоий вилоятидаги тиниб-тинчимас бу муҳбири нафақат "Xabar", балки республикаимизда чоп этиладиган бошқа газеталар билан ҳам ҳамкорлик қилиб, ўзининг ўткир публицистик мақолалари, лавҳа ва ахборотлари билан жойларда мавжуд муаммоларни ҳал этиш, эл фаровонлиги, юрт ривожига ўзининг муносиб улушини қўшаётган фидойи инсонлар ҳақида ёзиб, барчани эзгу ишлар сари чорлашга ўз ҳиссасини қўшиб келяпти. Унинг қаламига мансуб мақолаларда бир мақсад — жонажон Ўзбекистонни гуллаб-яшнатиш йўлида фидойилик билан меҳнат қилаётган турли миллат

вакилларининг биргаликда олиб бораётган бунёдкорлик ишлари, мақсад ва интилишлари ўз аксини топяпти.

27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ҳодимлари кўни муносабати билан Маруса Ҳосилова матбуот соҳасидаги кўп йиллик хизматлари учун давлатимизнинг юксак мукофоти — "Дўстлик" ордени билан мукофотланди. Ҳамкасбимизни ушбу ютуғи билан чин дилдан муборакбод этган ҳолда унга мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик, ишларида янада улкан ютуқлар тилаймиз. Ижодингиз янада гуллаб-яшнайсин, деймиз.

"Xabar" газетаси таҳририяти





## АКТ ВАЗИРИ “EPAM SYSTEMS” КОМПАНИЯСИ ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН УЧРАШДИ

2018 йил 24 июн куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Туркия Республикаси Президенти Режеп Таййип Эрдоғон билан телефон орқали мулоқот қилди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Режеп Таййип Эрдоғонни Туркия Республикаси Президенти лавозимига қайта сайлангани муносабати билан самимий табриклар, фаолиятида улкан муваффақиятлар тилади. Мулоқот сўнггида Президентлар барча соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни изчил ривожлантиришга тайёр эканликларини яна бир бор тасдиқладилар.

Президент Шавкат Мирзиёев 25 июн куни Хорватия миллий байрами — Давлатчилик куни муносабати билан Президент Колинда Грабар-Китаровичга ҳамда Словения миллий байрами — Давлатчилик куни муносабати билан Словения Республикаси Президенти Борут Пахорга табрик йўллади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 26 июн куни автомобил sanoatida жорий йил учун белгиланган ишлаб чиқариш ва экспорт кўрсаткичларини таъминлаш, тармоқнинг ривожланиш истиқболларини белгилаш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 27 июн куни “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларини амалга ошириш, аҳоли яшаш жойларини обод масканга айлантириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Президентимиз дастурни амалга ошириш учун зарур бўлган маблағларни шакллантириш борасидаги ишлар сусткашлик билан олиб борилаётганини танқид қилди. Ҳар ҳафтанинг чоршанбаси “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” куни деб белгиланди. Йиғилишда “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари ижросини ўз вақтида, сифатли таъминлаш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш бўйича муносабат раҳбарлар зиммасига тегишли вазифалар юклатилди.

2018 йил 28 июн куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси ўз ишینی бошлади. Ялпи мажлисда 23 масала кўриб чиқилмоқда. Шундан ўнга яқини қонулардир. Улар орасида “Медиацця тўғрисида”, “Жамоат жойларида чилим ва электрон сигареталар чекишни чеклаш тўғрисида”ги янги қонулар бор.

27 июн — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан Ўзбек миллий академик драма театрида тантанали маросим ўтказилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган табригини Давлат маслаҳатчиси Хайридин Султонов ўқиб эшиттирди.



Учрашувда ўзбекистонлик мутахассисларнинг малакасини ошириш учун зарур шароитларни яратиш, IT-бизнес юритиш, шунингдек, соҳада инвестицион лойиҳаларни жорий қилишда ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Азим Ахмедхаджаев юртимиз IT-саноати имкониятларини ўрганиш учун ташриф буюрган “EPAM Systems” директорлар кенгаши президенти Аркадий Добкин ҳамда кенгаш вакилларини қабул қилди.

Юртимизда дастурий маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилари учун қўлай шароит яратиш ҳамда ахборот технологиялари соҳасида лойиҳаларни амалга оширишда халқаро ҳамкорликни ривожлантириш учун “Mirzo Ulugbek Innovation Center” (MUIIC) инновациялар маркази томонидан талбирлар амалга оширилмоқда. “EPAM Systems” билан алоқаларнинг мустақамланаёт-

гани ҳам ана шу савб-ҳаракатларнинг бир қисмидир.

Учрашувда ўзбекистонлик мутахассисларнинг малакасини ошириш учун зарур шароитларни яратиш, IT-бизнесни юритиш, шунингдек, соҳада инвестицион лойиҳаларни жорий қилишда ҳамкорлик истиқболлари муҳокама қилинди.

Американинг “EPAM Systems” компанияси буюртма бўйича дастурий таъминот ишлаб чиқарувчи ва ахборот технологиялари соҳасида консалтинг хизматларини кўрсатувчи жаҳоннинг нуфузли IT-компанияларидан бири бўлиб, унга 1993 йилда асос солинган. “EPAM Systems” дастурий таъминот ишлаб чиқариш, тизимларни марказлаштириш, рақамли ривожланти-

риш стратегияларини ишлаб чиқиш, ахборот технологиялари ишланмалари учун марказ ва лабораториялар ташкил қилади. Amazon, Google, IBM, Microsoft, Oracle, SAP ва бошқа йirik компанияларнинг бош буюртмачилари ҳисобланишади.

Компания Беларус юқори технологиялар парки аъзоси. Тизимда 25 962 нафар ходим хизмат қиладиган “EPAM Systems” компаниясининг 2017 йилдаги йиллик маблағ айланмаси 1,45 млрд, асосий фаолиятидан олган даромади 172,9 млн. АҚШ долларини ташкил қилган. Компания бўлимлари дунёнинг 25 мамлакатидо фаолият олиб боради, бош қароргоҳ АҚШнинг Пенсилвания штатидаги Нютаун шаҳрида жойлашган.

## КОРЕЯНИНГ “LG CNS” КОМПАНИЯСИ ИМКОНИЯТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИЛАДИ

Корея электрон ҳукуматида ахборот тизимлари ва дастурий таъминотни жорий қилиш бўйича ишларнинг 60 фоиздан зиёди “LG CNS” ҳиссасига тўғри келади.



Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Азим Ахмедхаджаев Кореянинг “LG CNS” компанияси вице-президенти Жонг Вун Юл билан учрашди.

Учрашувда томонлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида Ўзбекистон ахборот технологиялари бозорининг бугунги ҳолати юзасидан фикр алмашдилар. Шунингдек, “LG CNS Uzbekistan” қўшма корхонаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда “LG CNS” компания-

си имкониятлари ва тажрибасидан фойдаланиш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

Эслатиб ўтамиз, 1987 йилда ташкил этилган “LG CNS” компанияси “LG Group”нинг шўъба корхонаси ҳисобланади. Ҳозирги кунда компания Жанубий Кореядаги энг йirik тизим интегратори ва мамлакатда электрон ҳукумат ташаббусларини илгари сурувчи локомотив ҳисобланади. Бундан ташқари, Корея электрон ҳукуматида ахборот тизимлари ва дастурий таъминотни жорий қилиш бўйи-

ча ишларнинг 60 фоиздан зиёди “LG CNS” ҳиссасига тўғри келади.

Компания, шунингдек, ахборот технологиялари соҳасида, хусусан, консалтинг, тизим интеграцияси, тармоқ интеграцияси, бизнес жараёнлар ва ахборот технологиялари аутсорсинги каби йўналишларда хизмат кўрсатади. “LG CNS Uzbekistan” қўшма корхонаси Ўзбекистонда реал иқтисодиёт ва электрон ҳукумат учун ахборот тизимлари ва дастурий таъминот маҳсулотларини ишлаб чиқиш учун 2014 йилда ташкил этилган.



# Тўлқин ТЕШАБОЕВ: УНИВЕРСИТЕТНИНГ ХАЛҚАРО МИҚЁСДА НУФУЗИНИ ОШИРИШ ЙЎЛИДА ИШЛАЯПМИЗ

◀1-бет.

“Касб танлаш ўта муҳим, ҳамма ўз қизиқиши, дунёқарашидан келиб чиқиб бу борада қарор қабул қилади. Фарзандларимга келсақ, аввало ўзлари хоҳлаган олий ўқув юртига киришларини ҳеч иккиланмай айтган бўлардим.”

– Тўлқин Зокирович, бу йилги ўқишга қабул жараёни ҳақида гапириб берсангиз?

– Хабарингиз бор, 2018 йил 4 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2018/2019 ўқув йилида Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида”ги қарори қабул қилинган. Ушбу қарор билан олий таълим муассасаларига қабул квоталари ҳам белгиланган.

ТАТУга 2018/2019 ўқув йилида кундузги бўлимга жами 1645 ўрин, шу жумладан, грантта 405 ўрин, тўлов-контрактга 1240 ўрин белгиланган. Яъни, ўтган йилги қабулга нисбатан 145 кўп ўрин ажратилган. Бу АКТ соҳасига катта эътибор берилганлигини кўрсатади. Таълим йўналишлари эса 9тадан 14тагача кўпайди.

– Сир эмас, турли қинғир йўللار билан ўқишга киришни хоҳловчилар ҳам бор, бу йил ана шундай фирромликларнинг олдини олиш учун қандай чоралар кўрилади? Биламиз, ўтган йили бундай ноҳуш ҳолатларга барҳам бериш мақсадида абитуриентнинг биометрик паспорт маълумотлари ва бармоқ излари сканерланиб, назорат қилиш ва бошқариш тизими жорий этилган эди. Бу тизим қандай самара берди, ўзини оқладими? Умуман, янги қабулга ТАТУда қандай тайёргарликлар кўрилди?

– Дарҳақиқат, 2017/2018 ўқув йили қабулида биз синнов сифатида ҳужжатларни қабул қилиш ва тестга киришни жараёнида республикамизда илк бор университетимиз мутахассислари томонидан ишлаб чиқилган биометрик тизимдан фойдаландик. Бу йил

тизим мутахассисларимиз томонидан янада такомиллаштирилди, ишлаш тезлиги, самарадорлиги ва ишончлилиги оширилди.

2018-2019 ўқув йили қабули учун ТАТУ ва унинг филиаллари Қабул комиссиялари таркиби, 2018-2019 ўқув йили қабули ишини самарали ташкил қилиш ва таъминлаш юзасидан Қабул комиссиясининг иш режаси тайёрланди. Унга кўра, Қабул комиссиясининг таълим йўналишлари бўйича масъул шахслар, ахборот маркази масъуллари, тартиб интизом ва иш тартиби, фуқаролар мурожаати, хорижий абитуриентларни қабул қилиш бўйича тегишли масъуллар белгиланди. Абитуриентларни университет ҳақидаги маълумотлар билан таъминлаш учун кўрғазмали материаллар (баннерлар) тайёрланди.

Қабул комиссияси ишини самарали ташкил қилиш учун Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда тизимдаги корхоналардан – “UzDigital TV” МЧЖ, “PPTM” ДУК жалб этилди. Абитуриентлар ва уларнинг ота-оналари учун қулай шароитлар яратилди.

– Маълумки, университетда талабгорлар махсус сиртки факультетда ҳам таҳсил олишарди. Келгуси ўқув йилидан ишдан ажралмаган ҳолда ҳам ўқишлар ташкил қилинадими, яъни кечки факультетлар очиладими? Ўтган йили суперконтракт асосида ўқини хоҳловчиларга ҳам имконият яратилиб берилганди. Бу тизим орқали университетга 6 млрд

ард сўм тушгани олий ўқув юртининг молиявий имкониятларини оширди. Энди кредит таълим тизимига навбат келди. Ҳозир бу бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?

– Ҳақиқатда, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 февралдаги “Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони мувофиқ, университетда, шу жумладан, унинг филиалларида 2018/2019 ўқув йилидан бошлаб ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасида кадрлар тайёрлаш бўйича ўқитишнинг кредит тизимини жорий этиш тўғрисидаги таклиф маъқулланган.

Ҳозирда университет ва унинг филиалларида таълимнинг кредит тизими тўғрисидаги низом ишлаб чиқилган бўлиб, бу борадаги ишлар тизимли олиб бориляпти. Кредит тизимига ўтувчи таълим йўналишлари ва мутахассисликларнинг фанлар бўйича ўқув режалари АҚШ, Германия, Буюк Британия, Корея Республикаси, Япония, Франция ва бошқа ривожланган давлатларнинг етакчи олий таълим муассасалари тажибалари асосида ишлаб чиқилди.

Шунингдек, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига кечки таълимни ташкил этиш бўйича таклифлар берилган.

– ТАТУ ва унинг филиалларида ҳозир қанча чет эллик талаба таҳсил олмоқда? Уларга қандай имкониятлар яратилган?

– Университетда Россия Федерацияси, Қозоғистон, Туркменистон, Тожикистон ва

Афғонистондан жами 12 нафар хорижий талаба бакалавриатурада таълим олмоқда. Албатта, бу миқдор кам. Биз университетнинг халқаро миқёсда нуфузини ошириш йўналишида ҳам ишлаяпмиз.

Ўз навбатида, хорижлик мутахассисларнинг университетда таълим беришга жалб қилиш бўйича сўз юритсам. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тошкент ахборот технологиялари университети фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2834-қарорининг 6-бандида университетда дарс бериш ва илмий тадқиқотлар ўтказиш учун юқори малакали хорижий мутахассислар ва олимларни жалб қилиш назарда тутилган бўлиб, бунда қайси маблағлардан фойдаланиш белгилаб берилган. Ҳозирда университетга хорижий мутахассислар жалб қилиниб, турли фанлар бўйича ўқув курслари ва малака ошириш курслари ташкил этилмоқда.

– Тўлқин ака, Сизни талабчан, ташаббускор, айна пайтда ҳамма масалада ўз фикрига эга раҳбар сифатида яхши биламиз. Айтингчи, фарзандингизни ректор сифатида эмас, оддий ота сифатида қайси олий ўқув юртига киришини хоҳлардингиз?

– Касб танлаш ўта муҳим, ҳамма ўз қизиқиши, дунёқарашидан келиб чиқиб бу борада қарор қабул қилади. Фарзандларимга келсақ, аввало ўзлари хоҳлаган олий ўқув юртига киришларини ҳеч иккиланмай айтган бўлардим.

Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ  
суҳбатлашди


● **МАЪЛУМОТ ЎРНИДА:**

● Ҳозирги кунда университет ва унинг филиалларида жами 11 641 нафар талаба таҳсил олаётган бўлиб, 11 342 нафари бакалаврият ва 299 нафари магистратура мутахассислигида. Университет ва филиалларида жами 14та факультет ва 62та (шу жумладан, Тошкент шаҳрида 29та) кафедра фаолият олиб бормоқда. Талабаларга таҳсил бериш учун 908 нафар асосий штатда (шундан 507 нафар ТАТУда, 401 нафар филиалларда) малакали профессор-ўқитувчилар фаолият юритмоқда, улардан 56 нафари фан доктори, профессорлар, 214 нафари фан номзоди, доцентлардир.

● Университетда 2021 йилга қадар янги 10та бакалаврият таълим йўналиши ва 11та магистратура мутахассислиги очилади.

# ИЛМ СКАУТЛАРИ

БИЛИМ ОЛИШ ИНСОН УЧУН ЕТАРЛИ ЭМАС,  
УЛАРНИ ЎСИШИГА ИМКОН БЕРИШ КЕРАК. ГЁТЕ



Биз шундай бир пухта тизимни йўлга қўйиб олганимиздан сўнг бутун дунёга машҳур олимларни яна етиштирамиз, жаҳон илм-фан намоёндалари бизнинг олимларимиз кашфиётларини “ҳазм” қилишга улгурмай қолади, барча машҳур нашрлар саҳифаларидан Ўзбекистон олимлари қилган янгиликлар тушмай қолади. Ўзбекистон билан нафақат боксда, балки илм-фанда ҳам эҳтиёт бўлиб гаплашадиган бўлади жаҳон аҳли! Мен шунга ишонаман!

**Н**има учун дунёда бўлаётган шов-шувли терактларда онда-сонда бўлса ҳам ўзбек номи чиқиб қолишига, ёшларимизни чет элда гастарбайтер сифатида тасаввур қилинишига гувоҳ бўлмоқдамизу, лекин дунё илм-фанидаги кашфиётлар орасида ЎЗБЕК ИСТИОННОМИНИ УЧРАТМАЙМИЗ? Илм бу бир қозон бўлса, унга ҳар бир халқ ўз масаллигини солаваради ва ҳамма биргалликда тановул қилаверади, биз ўша масаллиқларни X-XI асрларда кўп ва хўп солганмиз-ки, бутун дунё ҳамон ўша биз солган масаллиқлардан фойдаланиб келмоқда, чунки ўша буюк олимларимизнинг ҳомийлари “бакуват” эди: “Маъмур академияси” қўллаб-қувватлаган эди уларни. Ҳозирчи, энди биз деярли истемолчи бўлиб қолдик: бўлдим, масаллигимиз тугадими? Ахир, биз ҳеч кимдан кам эмасмиз, деб яшамалдикми?!

Келинг, математикадан ўта иқтидорли бирор ёш ҳаёт йўлининг бир қисмига назар ташлаймиз. Ундай қобилиятли бола бошланғич синфларда ҳам синфнинг бошқа ўқувчиларидан ажралиб туради, ҳар бир синфда ўз тенгдошларидан ўзлаштириши бўйича 2-3 синф олдинда юриди, қийналмайди. Устозларнинг роҳати-жони: “қанча берсанг еяверади”. (Масалан, менинг 6-синфдаги иқтидорлиларим 8-синфдаги квадрат тенгламани ечишни бемалол билади). 9-синфдаёқ улар математикадан олий ўқув юртига кириш имтиҳонини да тушадиган тестларни 36тадан ё тўлиқ ёки битта ками билан ечиш даражасига етади. Тушундингиз: у олий ўқув юртига тайёр! У энди республика миқёсида тенги йўқ ва навбатдаги йўл халқаро майдонларда ўз тенгдошлари билан беллашиш муаммо эмас —

Халқаро олимпиадалардан ҳам медал билан қайтади. Уни мукофотлашимиз керак: марҳамат, Ўзбекистондаги математика фани йўналишидаги олий ўқув юртига имтиҳонсиз кириш имтиёзини берамиз!

Болани олқишлаймиз, унга қишлоқдаги математикадан қобилияти яхши бўлмаган, минг уринса ҳам кўпайтиришда алашиб кетувчи тенгдошини мисол келтирамиз-да, бу қаҳрамонимиз қанчалар катта чўққига эришганини таъкидлаймиз. Ахир у олий ўқув юртига имтиҳонсиз кирди! Контрактни орзу қилиб юрганлар қанча бўлган бир даврда грантга кирди! Биз шу улкан чўққи эканлигига уни ишонтираемиз. Бола бундан бошқа чўққи йўқлигига ишона бошлайди. Хуллас, 11 йил ўз тенгдошларидан катта-катта қадамлар ташлаб олдинда юрган истемол соҳибини шу жойда тўхтади, энди унинг ортидан бошқалар “етиб келди” ва у ҳамма қатори ҳаёт ташвишларига кўмилиб, оқимга қўшилади. “Миссия бажарилди” — эртақ тугади у учун. Биз ҳам унутамиз уни, ҳар замонда бир эслаганимизда, шунчаки, ёшлигида математикани зўр биларди, деб кўямиз...

Бизнинг менталитетимизга ўрнашиб қолган бир жиҳат, ёшлар учун олий ўқув юртига кириш энг катта мақсад, ундан кейинги мақсад ҳақида ўйлаб кўрилмайди, кейин шунчаки ҳаёт уммонига қўшилиб сузиб қўверилади. Энг зўр истемолдони ҳам кейинчалик тўхтаб қолишига сабаблардан бири ҳам шуки, биз уни болалигидан шу мақсадда танловларда қатнаштирамиз, ютсанг беимтиҳон ўқишга кирасан. “Ундан кейинчи?” деган саволни ҳеч ким бермайди.

Аслида, биласизми, бундай ноёб қобилиятли болаларни институтга кириш имтиёзи худди сузиш бўйича чемпионга

сузиш баллони совға қилишдек гап. Футболда бир соҳа вакиллари бор, улар футбол келажagini яратадилар, улар — скаутлардир. Бутун дунё танийдиган Мессини болалигидаёқ истемолдини англаб, унга ҳомийлик қилган ва футбол юлдузи бўлишига сабабчи бўлганлар ҳам скаутлар. Чет элда нафақат спортда, балки илм-фанда келажаги порлоқ ёшларни қўллаб-қувватлаб ҳомийлик кўрсатувчи компаниялар ҳам бор. Уларнинг фаолияти туфайли иқтидорлар бир чегарада тўхтаб қолмасдан, борини рўёбга чиқаради.

Бизга ҳам шундай “илм скаут”лари керакки, улар иқтидорларни мактаб давридан оқ топдими, уни ўз ҳомийлигига олиб, илм-фан дунёсида инқилоб ясайдиган даражага-ча елкама-елка туриб, ҳам молдий, ҳам маънавий қўллаб-қувватлай оладиган бўлиши керак. Бу ўша иқтидорга ҳам, скаутларга ҳам, Ватанга ҳамда бутун дунё илм-фан техникасига ҳам бирдек катта фойда келтиради. Боланинг математик қобилияти чексиз, лекин унда ҳаётий тажриба йўқ, унга скаутлик қилувчилар шу кемтикни тўлдир оладилар. Энг катта сармоя — илм-фанга тикилган сармоя экани ҳозирда аллақачон аксиома даражасига чиқди. Хўш, скаут кимлар бўлиши мумкин? Улар йирик компаниялар, жамоат ташкилотлари, нодавлат ташкилотлар, хайрия жамғармалари ва умуман жамиятнинг исталган бўғини бўлиши мумкин.

Мен математика фанидан ҳозир дунёнинг энг кучли олимлари бўлиш эҳтимоли катта бўлган ёшларни жаҳон математика олимпиадаларидан қидириш осон ечим деб билдим ва 2000 йиллардан буён бу олимпиадаларда мактаб даврида қатнашиб, медалларни қўлга киритган ўзбекистонлик ва жаҳоннинг бошқа мамла-

катлари ўқувчиларининг кейинги тақдирини билан қизиқдим.

Куйида баъзи намуналар келтираман:

Livejournal сайтида Гарвард университети статистика бўйича профессори Эндрю Гелман блогида 1980 йилда 16 ёшида халқаро математика олимпиадасига тайёргарлик дастурида иштирок этгани ҳақида ёзган. У билан бирга бўлган барча талабаларнинг исмларини эслашга уриниб кўрди ва бундан кейин қандай ҳаёт кечирганлигини ёзади, у билан бирга иштирок этган ўқувчилардан 5 нафари университетнинг профессори, молия соҳасида 3 киши, 2таси эса дастурчи эканлигини ёзади.

Кристиан Рейкер (1984 йил 19 апрелда Старнберга туғилган) — немис математиги. У 2000-2003 йилларда Халқаро математика олимпиадасида тўртта олтин медал, 1999 йилда бронза медални қўлга киритган ва бу олимпиада тарихидаги бешинчи муваффақиятли иштирокчиси.

У ўша олимпиададаги иштирокидан сўнг Кемниц гипотезасини исботлади, бу фан тарихидаги муҳим муаммолардан бири эди. Шундан сўнг, Мюнхен университетини математика йўналиши бўйича тамомлади. 2010 йили Ростоки университетини докторлик диссертациясини ёқлаб, докторлик даражасини олди. Ҳозирги вақтда Гамбург университетини профессор сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Теренс Чи Шен Тао, Австралия ва АҚШ математиги, ўқувчилик йилларида, 10 ёшида (!) халқаро математика олимпиадасида қатнашиб, дунёдаги энг ёш иштирокчи бўлган ҳолда бронза медалини ҳам қўлга киритган. Бу мусобақада олтин медални қўлга киритганда у бор-йўғи 13 ёшда бўлган! 14 ёшида институтга кирган, 20 ёшида эса АҚШда

докторлик унвонини олган ва бу борада ҳам дунёдаги энг ёш доктор сифатида рекорд кайд этган.

Хозирда у дунёнинг энг кучли математикларидан бири бўлиб, Калифорния университети профессори ибобланади.

“Алданган халқ” китобида ёзишларича, Стендфорд университети профессори Стенли ёш болалардаги математик қобилиятни аниқлаш борасида турли жойларда бўлганини ёзади. У шундай кунларнинг бирида 12 ёшли талантни учратади ва тест бериб синаб кўради. Ўта юқори натижани кўргач, ҳеч иккиланмай Жон Хопкинс университетига ўқишга қабул қилади. Унинг адашмаганини бола 17 ёшида бакалавр ва магистр дипломини олиш билан исботлаб беради.

Мана дунёнинг баъзи давлатларидаги минглаб иқтидорлардан олинган баъзи мисоллар.

Келинг, энди бизнинг Халқаро олимпиадаларда яхши қатнашиб келган ўқувчиларимизнинг кейинги тақдири билан қўзикамиз.

Ушбу суратдаги менинг ўнг томонимда турган ўқувчи Жасурбек Имомов, кейингиси ўқувчим Мустафо бўлади. Бу икки ўқувчи 7-синфидан бошлаб ҳар йили вилоят Билимлар беллашуви ва Олимпиадаларда тенг рақобатчи бўлиб беллашганлар. 1-2-ўринларни бўлишиб олишган. Жасурбек 7-синфлида кичик ёшдаги ўқувчи ўртасида Жанубий Кореяда ўтказилган халқаро математика олимпиадасида кумуш медални қўлга киритган, сўнгра Халқаро Жаутков олимпиадаси кумуш медал соҳибни, энди шу ойда Руминияда бўлиб ўтадиган халқаро математика олимпиадасида Ўзбекистон терма жамоаси сафида яна иштирок этади. Қизиги шундаки, шундай талантли ўқувчи вилоят Билимлар беллашувида ва олимпиадаларда омади келмаган, 2-ўрин билан чекланган.

Масалага бошқа томондан қарайдиган бўлсак, вилоятда, демак, Жасурбек сингари кучли билимли ёшлар бор, лекин улардан ҳозир биргина Жасурбек ўз билимини тўла намоян қилиб келмоқда, қолган ўқувчиларни билмайман қаердалигини. Ўқувчим Мустафо ҳам вилоят босқичларида икки марта 1-ўринни олганди, Жасурбекка қўшиб, Қорақўлга ўқишга юбормоқчи бўлиб роса ҳаракат қилдик, лекин оилавий шароити тўғри келмади....

Маълумотларга кўра, бизнинг катта ёшли жами 92 нафар ўқувчи 17 марта Халқаро математика олимпиадаларида қатнашиб, 26та кумуш ва 9та бронза медални, 14 ёшгача ўқувчилар орасида эса 4 йилдан буён 16 нафар ўқувчи қатнашиб, 2та олтин, 3та кумуш ва 2та бронза медални қўлга киритган.

Бу маълумотларни қилдириш жараёнида бир жиҳатга эътибор бердим: бизнинг иқтидор-



Суратда: Икки нафар иқтидор билан биргаликда.

ли ёшларимизга ҳам Ўзбекистоннинг исталган олий ўқув юртига имтиёзли кириш ҳуқуқи берилган. Фолибларимиз, биласизми қайси ўқишларни танлаган, улар асосан Дипломатия ва “Нархоз”ни танлашган. Седзингиз-а сабабини. Ўзбекистон халқи орасида энг нуфузли ўқиш деб эътироф этиллаган бу икки олийгоҳни танлашини сиз ҳам табиий деб қабул қилдингизми? Ҳа, деган бўлсангиз, мана шу жойда сизу бизнинг катта бир муаммомизга тўқнаш келдик. Жамиятимизда олим бўлиб фанга бирор янгилик киритган кишининг қадр-қимматининг ҳолисанилло баҳо-си шу! Чунки, тасаввур қиял-сизми, 11 йил математикани ичида ёниб-қуйиб, қоврилиб чиниққан болага танлаш имконияти берилсаю, ё олим бўлгин, ё банк (солиқ) ходими дейилса, ўйлаб ўтирмай 2-сини танлагани бизнинг катта муаммомиз, асло битирувчининг эмас!

Бу ҳали ҳаммаси эмас, бундан-да каттароқ муаммо бор: Халқаро олимпиадаларда голиб бўлиб келган ва математика илми йўлидан бошқа соҳани танлаб битирган кўпчилик ёшлар, охири-оқибат барибир қайта тайёрлов асосида, иккинчи мутахассисликка математика факултетларига ҳужжат топшириш ва ўқиш ниятида юрган-голиб учратганман. Мана аҳволимиз! Иқтидорларни тўғри йўлга сола оладиган тизимимиз яхши ишламаганининг исботи бу. Бундай ёшлардан балки яхши дипломат чиқмаслиги мумкин, зўр банк ходими ёки молиячи бўлолмаслиги мумкин, солиқчилардек муомала қилолмаслиги мумкин, лекин улардан зўр математик олимлар чиқишига 100 фоиз кафолат берса бўлади.

Муаммоларни кўриб туриб-миз, ҳўш қандай қилсак биз ўз иқтидорларимизни етук олимлар даражасига олиб чиқа оламиз?

Биринчидан, юқорида айтганимдек, мактаблардан бола-нинг математик қобилиятини эрта аниқлаб, унга мадд берадиган скаутлар фаолиятини йўлга қўйишимиз керак. Уларни бир мактаб-

қошида бирлаштириш лозим. Масалан, Президентимиз томонидан ташкил қилинган янги Мирзо Улуғбек мактаби каби бир мактабни шу соҳа бўйича ихтисослаштириш мумкин. Бу мактаб узоғи 5-6 йилда Ўзбекистонга юзлаб халқаро олимпиада голибларини ва олимларни етиштириб бера олади.

Иккинчидан, агар биз илм-фанимизни бутун дунёга кўтаришни истасак, бу билан шугулланувчи ёшларга шундай шароит қилиб берайликки, у фақат илм-фан билан шугуллансин. Оч қоринга танбур ёқармиди, дея тирикчиликка берилиб кетдимки, илм-фанимиздан бирон натижа кутишимиз адолатдан бўлмайди. Ана шунда ўзининг лаёқати ёки хоҳиши йўқ бўлса ҳам, номи улўғ соҳаларни танлаб ўтиб кетиб, барибир бир кун математикадан кўнглини узоқмай, “дипломатия” дипломини сандиққа жойлаб, репетиторлик қилганидан кўра, биратўла аввал бошдан шу йўлни иккиланмай танлайдиган даражада олимларни қўллаб-қувватлайдиган тизим яратайлик.

Учинчидан, моддий рағбатлантириш тизимини кучайтириш. Қидириб кўриб билдимки, 2008 йилгача халқаро олимпиадаларда юқори натижаларни эгаллаб келган ёшларимизга ҳеч қандай рағбатлантириш берилмаган экан, ҳолбуки ўша даврларда спортчилар ютиб келганда ҳатто машиналар ҳам беришган. 2008 йил 13 октябрда чиққан ҳукумат қарорига кўра, халқаро олимпиадаларда 1, 2, 3, 4, 5-ўринларни қўлга киритган ёшлар олий ўқув юртиларига имтиҳонсиз қабул қилиниш билан бирга мос равишда ўртача стипендиянинг 10, 9, 8, 7, 6 баробари миқдорда моддий рағбатлантириш кўзда тутилган.

Икки йилдан буён илм-фанга қанчалар катта эътибор берилаётганини барчамиз кўриб турибмиз, Президентимиз ёшларга ҳамма шароитни қилиб бермоқда. Улар қимматбаҳо совғалар билан тақдирланипти. Китобхон танлови голибларига “Спарк”, футбол бўйича Осие чемпионларига “Малибу” берилди, қиличбоз-

ликдан ютган спортчига “Спарк”, газалхонлик голибига “Спарк”, гул байрами голибига “Спарк” ва ҳоказо совғалар берилмоқда.

Тўғри, спорт мамлакатни дунёга тез танитиши мумкин, лекин илм-фан мамлакат келажagini белгилайди. Ёшлар интилишлари юксак қўллаб-қувватланмоқда, энди республикамизнинг илмий келажаги бўлиб турган ва келажакда ҳам ўзлари ордидан минглаб шоғирлар чиқариши мумкин бўлган бундай талантларга халқаро олимпиадалардан қайтишидаёқ спортчиларни кўтиб олаётганимиздек пешвоз чиқсак ва Президент совғаси деб машина калитини топширсак, биласизми бутун Ўзбекистон ўқувчиларига қандай ўрнар бўлар эди? Барча болалар эртасигаёқ математика китобларини кўтариб устозларини қувиб юришига мен қафилман!

Тўртинчидан, бизнинг математик ёшларимизнинг энг катта муаммоси бу тил масаласи, математикани яхши билган ёшлар инглиз тилини билмайди, ҳолбуки бу жаҳон миқёсидаги кадр етиштиришда катта омиллардан биридир. Мана шундай ўқувчиларни бир жойга йиғиб нафақат математика, балки инглиз ва рус тилларини пухта ўргатишимиз шарт. Чунки бундай талантли ўқувчиларимизни жаҳоннинг энг кучли олий даргоҳларига жон деб қабул қилишди, лекин минг афсуски, тил билмаслиги кўп ўқувчиларимизга панд бермоқда.

Бешинчидан, гувоҳи бўлмоқдамизки, қайсидир спорт федерацияларига ҳукумат даражасидаги масъуллар раҳбар этиб тайинланмоқда, бу нарса ўша соҳа ривожланишида катта омил бўлади, ёш иқтидорларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ушбу соҳага ҳам мана шу тажрибани қўллаш, дейлик ёш олимлар тайёрлаш тизими жорий қилиниб, бунга юқори лавозимдаги масъул раҳбар этиб тайинланиши катта самара беради.

Олтинчидан, порлаб чиққан ёш талант қишлоқдан чиққан бўлса, унда кўп кузати-лувчи нарсалардан бири тортинчоқлик, киришувчанлик қобилияти камдигидир. Ай-

ниқса, бу ҳолат барча математикларга касбий “мерос” десак ҳам бўлади. Демак, улар педагогик-психологик ёрдамга муҳтож бўлади.

Еттинчидан, мамлакат терма жамоасини халқаро олимпиадаларга тайёрловчи педагогларни ҳам моддий қўллаб-қувватлаш муҳим масаладир. Бизда математика ва кимё фанларидан халқаро олимпиадаларга қатнашиб, яхши натижаларга эришмоқда ўқувчиларимиз. Лекин биология, физика, информатика, география фанларидан халқаро олимпиадаларда натижа кўринма-япти. Менимча, бу барчаси шу соҳа бўйича мутахассислар йўқлигидан ёки уларни моддий қўллаб-қувватлаш камлигидан, деб ўйлайман.

Саккизинчидан, модомики гап ёшлар орасидан иқтидорларни аниқлаш ва тарбиялаш борасида кетар экан, бунда улкан бюджетли, чексиз имтиёзга эга Ўзбекистон ёшлар иттифоқини эслаб ўтмасдан иложимиз йўқ. Иттифоқ ҳар йили бутун ёзда вилоят фанлар олимпиадаларида 1-учликни қўлга киритган барча ёшларни бирон вилоятнинг энг яхши ёзги лагерларида дам олдириб, шу билан бирга, уларнинг билимларини оширувчи маҳорат дарслари ташкил этиши лозим. Республиканинг энг кучли олимлари иштирокида уларни руҳлантирувчи суҳбатларни ташкил этиш катта самара беради. Ушбу тренерабни ҳам моддий рағбатлантириш Ёшлар иттифоқининг вазифаси бўлиши керак.

Қолаверса, Ёшлар иттифоқи илм скаутлари топишда ҳам жонбозлик кўрсатса ёки ўзи скаутлик қилса чинданам ёшларга катта фойда келтирган ташкилотга айланган бўлар эди. Ахир уларнинг “Маъмур академияси”дан нимаси кам?

Бугун ўзим математик устоз бўлганлигим, ажойиб иқтидорли ўқувчилар билан кўп йиллардан буён ишлаганим, кўплаб олимпиадаларда ҳакам (халқаро олимпиаданинг республика босқичида бир марта) бўлиб, кўриб юрганам боисидан мақолада асосан математикларни мисол келтириб ўтдим. Бундай иқтидорлилар бизда ҳар бир фан бўйича минглаб топилади.

Ишонаман, биз шундай бир пухта тизимни йўлга қўйиб олганимиздан сўнг бутун дунёга машҳур олимларни яна етиштирамиз, жаҳон илм-фан намоёндалари бизнинг олимларимиз кашфиётларини “ҳазм” қилишга улгурмай қолади, барча машҳур нашрлар саҳифаларидан Ўзбекистон олимлари қилган янгиликлар тўшмай қолади. Ўзбекистон билан нафақат боксда, балки илм-фанда ҳам эҳтиёт бўлиб гаплашадиган бўлади жаҳон аҳли! Мен шунга ишонаман!

Исроил ТИЛЛАБОЕВ,  
ўқитувчи

## ИНВЕСТИЦИИ, ГРАНТЫ, КОНСУЛЬТАЦИИ. КАК ЕБРР ПОМОЖЕТ ИТ-БИЗНЕСУ В УЗБЕКИСТАНЕ

Мировым тенденциям развития сферы информационно-коммуникационных технологий и новым возможностям ИТ-компаний в Узбекистане посвящен семинар, прошедший в МУИС. Соорганизатором мероприятия, в котором приняли участие резиденты инновационного центра, выступил Европейский банк реконструкции и развития.

В программе семинара — три презентации от представителей ЕБРР. Одну из них провел специальный гость — эксперт в сфере информационно-коммуникационных технологий Филлип Чанг (Тайвань). Акцент во всех выступлениях был намерено смещен от теории к практике. Вдохновляющим историям о становлении Google, Yahoo, Facebook спикеры предпочли фактическую информацию, с которой можно работать.

— **Никогда не думайте о себе, что вы маленькая компания, у которой нет ни сотрудников, ни денег. У тех, кто работает в ИТ, всегда есть потенциал роста, —** сказал Филлип Чанг.

Грандиозные истории успеха единичны. Можно следовать примеру Microsoft, например, но воспроизведение их пути не должно быть самоцелью. Во многих странах мира время от времени «выстреливают» компании. Пусть не такого уровня, но они получают раунды финансирования по 5–30 млн. долларов. Эти компании нацелены на местный рынок, иногда получают выходы на глобальный. Но даже если этого не происходит факт остается фактом: они жизнеспособны и успешны. Наша цель — найти в МУИС два–три проекта, которые ЕБРР будет финансировать в этом или следующем году, — сказал в начале своего выступления ведущий банкир по направлению «Финансирование и развитие малого и среднего бизнеса» (Центральная Азия и Монголия) Назар Талибджанов.

Малый бизнес двигает прогресс. Одним из показателей конкурентоспособности страны является его доля в ВВП: чем значительнее она, тем сильнее позиции государства на мировой арене. Этот сектор также зарекомендовал себя как основной генератор инновационных идей и инициатор реформ. По этим причинам в ЕБРР запустили программу, направленную на поддержку малого бизнеса. Каждый год в 30 странах мира организация финан-



сирует проекты на сумму порядка 15 млрд. евро. Материальное содействие и консультации получают 200 тысяч компаний.

Финансирование осуществляется по трем направлениям:

- через финансовые учреждения (посредством банков-партнёров);
- софинансирование с финансовыми учреждениями, которое позволяет снижать риски при работе с малым бизнесом и расширять операции;
- прямое финансирование.

Содействие в развитии бизнеса выражается в получении консультаций по широкому спектру вопросов: от разработки стратегии до совершенствования организационной структуры, финансовой отчетности.

Ещё одно направление деятельности, которое развивается параллельно с инвестициями — диалог по вопросам экономической политики. Оно подразумевает целенаправленные действия по продвижению экономических реформ: разработка проектов законов, принятие новых регламентов. В основе этих шагов — желание и необходимость создавать прецеденты, кейсы, которыми в дальнейшем, как моделью, смогут воспользоваться другие компании (эффект мультипликации).

В ЕБРР действует программа инвестиций в венчурный капитал (VCIP), фокус которой смещен на сотрудничество с ИТ-компаниями и предпринимателями, способными стать лидерами на местном рынке. На сегодня объем финансирования составляет 4 млрд. евро. Текущий портфель команды ICT —



1 млрд. евро. В 36 странах уже заключено 180 сделок от нескольких миллионов до 180 млн. евро. 35% из них приходится на финансирование инфраструктуры (mobile & fixed line), 25% связаны с медиа.

Резиденты также познакомились с программой «Консультации для малого бизнеса», которую Европейский банк реконструкции и развития реализует в более чем 30 странах Центральной Азии, Балканского полуострова, Кавказа, Северной Африки и Ближнего Востока. В Узбекистане она возобновила свою деятельность в ноябре 2017 года, после того как ЕБРР и Торгово-промышленная палата республики подписали соответствующее соглашение. Программа подразумевает проведение консультаций по вопросам формирования стратегии и маркетинга, совершенствования организационной структуры, операционной деятельности, поиска технических решений и ноу-хау, управления финансами, энергопотребления и охраны окружающей среды. Специалисты помогают в разработке бизнес-плана решения задачи, составлении технико-экономического обоснования, подготовке предприятия к внедрению международных стандартов.

Специальным гостем семинара стал эксперт ЕБРР в сфере информационно-коммуникационных технологий Филлип Чанг. Предыдущим местом работы специалиста была компания «MITAC» — первая компания в Тайване, в которой Чанг работал. Сегодня она только открылась, в штате числится всего три че-

ловека. В наши дни годовой доход «MITAC International Corporation» составляет 36 млрд. долларов, число сотрудников достигло 120 тысяч по всему миру.

— Никогда не думайте о себе, что вы маленькая компания, у которой нет ни сотрудников, ни денег. У тех, кто работает в ИТ, всегда есть потенциал роста, — сказал Филлип Чанг.

По мнению эксперта, ИКТ-сфера, которой достаточно самых скромных инвестиций, поскольку она больше основывается на интеллекте, знаниях, способности генерировать идеи.

В Тайване на начальном этапе развития ИТ-индустрии правительство в год выделяло два процента из госбюджета на её поддержку. Сегодня 30% от ВВП приходится на малый бизнес, работающий с высокими технологиями.

— Для того, чтобы добиться успеха в современных условиях, необходимо создавать такую бизнес-модель, которая могла бы развиваться в разных плоскостях, интегрироваться в смежный сектор. Подтверждение этому можно найти в новостях. Недавно сообщили о планах крупнейшей в мире телекоммуникационной компании и медиаконгломерата AT&T Inc. купить Time Warner. Или о том, что Apple инвестирует 1 млрд. долларов в китайский аналог Uber — DIDI Taxi. Таких примеров сотни, и они очень хорошо показывают направления, в которых стоит двигаться, — отметил эксперт.

Завершился семинар сессией ответов на вопросы.

### БУДЬТЕ БДИТЕЛЬНЫМИ

## UZCARD: НАБЛЮДАЮТСЯ НЕЗАКОННЫЕ СБОРЫ СРЕДСТВ В МЕССЕНДЖЕРЕ TELEGRAM

Единый общереспубликанский процессинговый центр UzCard предупреждает всех держателей карт быть более бдительными.

В очередной раз, говорится в сообщении UzCard, наблюдаются незаконные сборы средств в мессенджере Telegram. В группе, где делаются ставки на игры Чемпионата Мира по футболу

2018, наблюдались призывы к участию в ставках: до игры участников группы просили перевести деньги на объявленный номер карты с помощью услуги «перевод с карты на карту».

К сожалению, пока ЕОПЦ принял все действия по устранению незаконных действий, наблюдались случаи, где держатели карт, доверившись

объявлениям, переводили свои средства.

Стоит отметить, что согласно статье 278 уголовного кодекса Республики Узбекистан «Организация и проведение азартных и других основанных на риске игр» незаконная организация или проведение азартных и других основанных на риске игр, в том числе организация или

содержание заведений для таких игр, наказываются лишением свободы до семи лет.

Единый общереспубликанский процессинговый центр просит всех держателей карт не попадаться на уловки лиц, нарушающих закон. В случае обнаружения противоправных действий и привлечения в незаконные игры, участники несут всю ответственность.

# ЗАКО

**Болалар учун ёзги ахборот технологиялари ва инновациялар мактаби**



мий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетиди ёзги таътил вақтида болалар бўш вақтларини мазмунли ўтказишларини таъминлаш ҳамда уларда ахборот технологияларидан мақсадли фойдаланиш кўникмасини шакллантириш мақсадида ЗАКО – мактаб ёшидаги болалар учун ёзги ахборот технологиялари ва инновациялар мактаби ташкил этилди. Ҳозирда 6 ёшдан 17 ёшгача 40 нафар бола мактабнинг икки ҳафталик курсларида таҳсил олмақда.

Мактаб дастури доирасида болаларда ахборот-коммуникация технологияларидан мақсадли фойдаланиш ҳамда қизиқарли ўйинлар ёрдамида дастурий кўникмаларни шакллантириш мақсад қилинган. Ўқув режалари фан соатлари ва мавзулари тингловчилар талабига мувофиқ ташкил этилади. Ўқув жараёни гуруҳларга бўлинган ҳолда ўтказилади. 1-босқичда ўқувчиларга алоҳида индивидуал ёндашишга ҳаракат қилиниб, улардаги мавжуд қобилиятлар аниқланади. 2-босқичда эса қобилиятларига қараб топшириқлар берилди ва дастурлаш ёки компютер техникаларини тузатишга оид кўникмалар шакллантирилади. Мактаб курсини тугатган ўқувчига рағбат сифатида сертификат берилди. Ўқиш даври давомида турли дастурлашга оид ўйинлар ўтказилиб, голиб бўлган болаларни рағбатлантириб бориш ҳам кўзда тутилган.

Биз рақамли даврда яшашга, смартфонлар ва планшетлардан фойдаланиш инсон ҳаётининг муҳим қисмига айланди. Ҳатто кичик ёшдаги фарзандларимиз ҳам ахборот технологиялари воситаларидан кенг фойдаланмоқда. Вақт ўтиши билан болалар кўпроқ техник билимга эга бўлиб, улар сеvimли технологияларининг негизини ўргана олмастиклари учун ҳеч қандай сабаб йўқ. Албатта, болаларни ёшлигидан АКТ билан тиллаштиришга ўргатиш ва улардан мақсадли фойдаланиш кўникмасини шакллантириш бугуннинг энг муҳим вазифаларидан бирига айланди. Бу келажақда фарзандимизнинг ўз соҳасининг кучли вакили бўлишида ёрдам беради.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, Муҳаммад ал-Хоразми

“ Ҳозирда 6 ёшдан 17 ёшгача 40 нафар бола мактабнинг икки ҳафталик курсларида таҳсил олмақда.”

## МАЪРИФАТ ДАРСИ

# ОЛТИН ҚОИДА

**Ҳуқуқий маданият ахлоқий ва маънавий меъёрларга таянади**

Давлат фелдъегерлик хизматида мунтазам тарзда маърифат дарслари ташкил этилиб, малакали мутахассислар иштирокида долзарб мавзуларда машғулотлар ўтиб келинмоқда. Навбатдаги маърифат дарсида шахсий таркибга “Касбий фаолиятда ҳуқуқий онг ва маданиятни юксалтириш” мавзуида ахборот берилди.

Ходимларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданияти юқори даражада бўлиши бугунги кун талабларидан биридир. Чунки “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 4-моддасида ички ишлар органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири сифатида уларнинг жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир ишларда иштирок этиши кўрсатиб ўтилган.

Ички ишлар идоралари ходимлари ўзларининг касбий фаолиятига қўра жамоат тартибни сақлаш, хавфсизликни таъминлашга қаратилган вазифаларни амалга оширадидлар. Шу йўл билан жамиятда ҳуқуқий тартиб ўрнатилди. Аммо, айрим ички ишлар органлари ходимлари доимо ўзини ҳақ деб билади, қонун-қоидаларни писанд қилмайди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларида бундайларга ўрин бўлмаслиги керак. “Ўзим – хон, кўланкам – майдон” деб биладиганларнинг замони ўтди. Энди мамлакатимизда ҳамма, биринчи гапта, ҳуқуқ-тартибот посбонларини қонунларни ҳурмат қилишлари лозим. Яъни, ҳуқуқ-тартибот посбони сифатида, авваламбор, унинг ўзи қонунларга қатъий равишда риоя қилиши, бировларнинг ҳуқуқ ва эркиндикларини бузмаслиги зарур. Бундай фазилят ҳуқуқий ахлоқнинг “олтин қоидаси” ҳисобланади.

Маълумки, ҳуқуқий маданият ахлоқий ва маънавий меъёр-

ларга таянади. Шундай экан, инсонни болалигиданоқ қонунларга, тартиб-интизомга ҳурмат, ҳар бир ишга нисбатан жавобгарликни ҳис этиш руҳида тарбиялаш лозим. Бу ички ишлар органлари ходимлари учун ҳам зарурий талабдир.

Хулоса қилиб айтганда, ички ишлар органлари ходими шундай хизмат қилиши керакки, токи Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг “Ички ишлар органлари ходимларининг муомала маданиятини ошириш чоралари тўғрисида”ги буйруғида қайд қилинганидек, мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси унинг тизимсизда ўзининг ҳаёти, соғлиғи, шаъни ва қадр-қимматини ҳар қандай тажовузлардан муҳофаза қилишга ва оғир дамда ёрдам беришга тайёр бўлган ҳимоячисини кўриши ҳамда ўзининг хавфсизлиги таъминланганлигини ҳис қилиши зарур.

**А.ТУРСУНОВ,**  
ДФХ бўлим бошлиғи  
подполковник

Махсус авария-тиклаш бошқармаси (15361-ҳарбий қисм)да 30 июн — Ёшлар куни муносабати билан “Ёшларимиз мамлакат келажағи ва таянчи” мавзуида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

# МАМЛАКАТ ТАЯНЧИ

Ҳарбий хизматчилар маънавий олами бойитиш, улар онги ва қалбига жамиятимиз юксалиши ва шах камолотини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган кенг қўлмалли ислохотлар мазмун-моҳиятини янада чуқурроқ сингдириш, маданий ҳордиғини таъминлаш ҳамда ватанпарварлик руҳини янада кўтариш мақсадида ташкиллаштирилган ушбу тадбирга Ахрор Шарипов бошчилигидаги Ўзбекистон давлат

“Сатира” театри жамоаси – Зоҳиджон Муродов, Эркин Жўлиев, Шерзод Боймуродов, Мансур Холиқов, Фулом Эрнандаров, Рўзимбой Алланазаров, Раъно Мирзаева каби ҳаққимиз қалбидан ўрин олган актёрлар таширф буюрди. Улар ижро этган куй-қўшиқ ва ичкакуди ҳангомаларни тинглаб, ҳарбий хизматчилар мириқиб дам олишди.

Ўз мухбиримиз



# КИТОБГА ОШНО АСКАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 январдаги “Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида”ги фармойиши ижросини таъминлаш, бошқармаимиз шахсий таркиби маънавий олами бойитиш ва китобхонлик маданиятини юксалтириш зарурати олдимизга маълум вазифалар қўйилмоқда. Ҳарбий хизматчилар бўш вақтини бошқарма кутубхонасида ўтказишлари, у ерда турли алабиётлардан фойдаланиб, ўз етида мунтазам ишлашлари уларнинг илмий ва маънавий тафаккурини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Бу борада ишлаб чиқилган бошқарма бошлиғининг буйруғи асосида яқинда бошқарманинг шартнома асосидаги ҳарбий хизматчилари ўртасида “Энг яхши ҳарбий китобхон” танлови ўтказилди. Унда танловнинг биринчи босқичида, яъни бўлинмалар миқёсида голиб бўлган етти нафар шартнома асосидаги ҳарбий хизматчи иштирок этиб, иккита шарт бўйича беллашилди. Биринчи шартда иштироқчилар Алишер Навоий ва Заҳриддин Муҳаммад Бобур ижодига оид еттига газални проектор орқали катта экранда рақамлар орқали яширини ўзлари танлади. Вақт белгиланмади. Бунда танланган газалнинг ёддан тўлиқ ва инфодала айтилиши ҳамда ҳақамлар ҳайъати томонидан ушбу газалнинг маъно-мазмунига оид саволларга иштирокчи бер-

ган жавоблар ҳисобга олиниб, баҳоланди. Иккинчи шартда эса иштирокчиларга 15та муаллиф ва уларнинг асарлари рақамлар орқали яширилиб, проектор орқали катта экранда тақдим қилинди. Ҳар бир иштирокчи битта муаллиф ва унинг асарини рақамлар орқали ўзи танлади. Жавоб беришга муддат белгиланмади.

Иштирокчилар жавобларини Ўзбекистон ёзувчилар уюммаси аъзоси, тарихчи олим, театуршунос адиб Ҳаким Сатторий, Чирчэк давлат педагогика институту ҳузуридаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркаси профессор-ўқитувчиси, филология фанлари номзоиди Гафур Эшмонов ҳамда бошқарма бошлиғининг ҳарбий-ватанпарварлик, маънавий-ахлоқий-тарбия ва ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари-бўлим бошлиғи подполковник Шерзод Курайшевлардан иборат ҳақамлар ҳайъати адолатли ва ҳолисона баҳолаб боришди. Якуний ҳисоб-китобларга қўра, 1-ўринга шартнома асосидаги оид аскар М.Шавкатова сазовор бўлди. У 200 балли баҳолаш тизимида 189 балл тўлашга эришди. 2-ўрин кичик сержант Н.Алимухамедова (150 балл)га, 3-ўрин эса кичик сержант С.Муминов (120 балл)га насиб этди. Фолиблар I, II, III даражали дипломлар ва пул мукофотлари билан тақдирландилар.

**Абдуқодир ОТАБОВ,**  
МАТБ маданий ҳордиқ ишлари бўйича катта офицер-клуб бошлиғи, катта лейтенант



**Абдувоҳид АХМЕДОВ,**  
Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг бош юриконсулти

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ўртасида ўзаро ҳамкорлик ва ижтимоий шериклик бўйича 2018-2019 йилларга мўлжалланган қўшма талбирлар режасида касаба уюшмалари бошланғич ташкилотлари ҳамда иш берувчилар билан биргалликда меҳнат жамоаларида ҳуқуқий саводхонлик кечалари, сайёр қабуллар, очик мулоқотлар ва дара суҳбатларини тизимли равишда ўтказишни кўзда тутилган.

Жорий йилнинг апрел-май ойида Республика кенгашининг масъул ходимлари томонидан МЧЖ "Коском" ХК, "Республика радиолокация, радиоэшиштириш ва телевидение маркази" ДУК, Республика ахборот-кутубхона маркази, "Ўзбекистон" НИМУ каби корхона ва ташкилотларда, "Ўзбекистон почтаси" АЖ "Тошкент почтаи" филиали, "Ўзбектелеком" АК "ТШПТ", "ЎзМобайл" филиалларида касаба уюшма фаолияти, кадрлар ва юридик хизмат мутахассислари учун долзарб мавзуларда ўқув машғулотлари ва ҳуқуқий тушунтириш ишлари олиб борилди. Талбирларнинг ҳар бирида қатнашган 35-40 нафардан кўпроқ ходимга Ўзбекистон Республикасида ратификация қилинган ХМТнинг 14та Конвенцияси, Муносиб меҳнат дастури, меҳнат муҳофазаси, ёшларга эътибор, ёш мутахассислар ва талбиркорлар учун қўнунчиликда белгиланган имтиёзлар ва қўлайликлар, шунингдек, иш жойларини қисқартириш ва аҳоли бандлигини таъминлаш жараёнида қўнун талабларига риоя қилиниши ва уларнинг бежарилишини амалга оширишда касаба уюшмаларининг жамоатчилик назоратини олиб бориш бўйича апрофилча тушунча ва тавсиялар берилди.

2018 йилнинг 1 июн ҳолатига кўра, Республика кенгаши томонидан соҳа ходимларининг жами 64та, шу жумладан, 19та ёзма ва электрон мурожаатлар, 45та (шундан 27таси ишонч-телефони, 18таси шахсий қабул орқали) оғзаки мурожаатлари белгиланган тартибда кўриб чиқилди. Ушбу сонда улардан айримларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

# 12 саволга



**1** Ходимлар сони (штатлар бирлиги) қисқартирилиши тартиби ва унинг асослари ҳақида тушунтириш берилишини сўраймиз.

— Корхонада штатлар қисқариши муносабати билан меҳнат шартномасини бекор қилиш иш берувчининг ташаббуси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг (кейинги ўринларда ЎЗРМК деб юритилади) 100-модда 1-қисми номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномасини ҳам, муддати тугагунга қадар муддатли меҳнат шартномасини ҳам иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилиниши асосли бўлишини тақозо этади. Яъни, иш

берувчининг ҳеч бир асоссиз, ўз ихтиёрича бундай қарорга келиши қонунга зиддир.

Технологиядаги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги меҳнат шартномасини ЎЗРМКнинг 100-моддаси 2-қисми 1-бандига кўра бекор қилиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

**2** Ходимлар сони қисқартирилиши муносабати билан меҳнат шартномасини бекор қилиниши ҳақида ходим қачон огоҳлантирилади?

— Штатлар қисқариши туфайли меҳнат шартномаси бекор қилиниши кутилаётганлиги тўғрисида ходим (ходимлар) иш берувчи томонидан камида 2 (икки) ой олдин ёзма тарзда огоҳлантирилиши шарт (ЎЗРМК 102-моддаси, 1-қисм). Огоҳлантириш хати фақат иш берувчи ёки у расмий равишда ваколат берган шахс томонидан имзоланган бўлиши шарт.

Ходим ишда бўлса, огоҳлантириш хати унга шахсан имзо чектириб топширилади, яъни огоҳлантириш хатининг иккинчи нусхасига ходим огоҳлантиришни олгани ҳақида имзо қўйиб беради. Бунда ходим огоҳлантириш хатини олган санасини ҳам кўрсатиши мақсадга мувофиқ.

**3** Ходим огоҳлантириш хатини олишдан бош тортган ҳолатда, иш берувчи нима қилиши керак бўлади?

— Агар ходим огоҳлантириш хатини олишдан бош тортса, иш берувчи ёки унинг вакили томонидан бу ҳақида тегишли далолатнома тузилади, бу эса келажакда юзага келиши мумкин бўлган низои ҳал этишга ёрдам беради. Далолатнома одатда 3 (уч) кишидан кам бўлмаган таркибдаги комиссия, ишчи гуруҳи, гувоҳлар ва ҳ.к. томонидан имзоланади.

**4** Ходим касаллик бўйича нафақани иш ҳақининг тўлиқ миқдоридан тўлашни талаб қилмоқда. Мазкур нафақа тўлови қандай тартибда ва миқдорда тўланиши керак?

— Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақаларнинг миқдорлари ва уларни ҳисоблаш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг "Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақалар тўлаш чегарасини такомиллаштириш тўғрисида"ги 2002 йил 28 февралдаги 71-сонли қарори билан тасдиқланган "Давлат ижтимоий сугуртаси бўйича нафақаларни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низомга (бундан кейин — 1136-сон Низом) асосан амалга оширилади.

Вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик нафақаси:

**а) қуйидагиларга тўлиқ иш ҳақи миқдоридан тўланади:**

- ишлаётган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларига;

- байналмилалчи жангчиларга ва уларга тенглаштирилган бошқа шахсларга;

- қарамоғида 16 ёшга (ўқувчилар 18 ёшга) етмаган уч ёки undan ортиқ болалари бўлган ходимларга;

- Чернобил АЭСдаги авария оқибатларини тугатишда қатнашган ходимларга;

- Чернобил АЭСдаги авария натижасида радиоактив ифлосланиш зонасидан эвакуация қилинган ва кўчирилган, қон ҳосил қилувчи органлар касалликлари (ўткир лейкоз), қалқонсимон без ва хавфли ўсмалар билан боғлиқ касалликларга (аденома, рак) чалинган ходимларга;

меҳнатда майибланиш ва касб касаллиги натижасида вақтинча меҳнатга қобилиятсиз бўлган ходимларга.

**б) ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликлар бўйича ҳисобда турган ходимларга, улар томонидан давлат ижтимоий сугурта бадали тўлаган даврининг (умумий иш стажининг) давомийлигига боғлиқ равишда:**

- умумий иш стаж 8 йил ва undan ортиқ бўлган ходимларга — иш ҳақининг 100 фоизи миқдоридан;

- умумий иш стаж 5 йилдан 8 йилгача бўлган ходимларга — иш ҳақининг 80 фоизи миқдоридан;

- умумий иш стаж 5 йилгача бўлган ходимларга — иш ҳақининг 60 фоизи миқдоридан.

**в) қолган ҳолатларда, уларнинг давлат ижтимоий сугуртасига бадаллар тўлашининг (умумий иш стажининг) давомийлигига боғлиқ ҳолда:**

- умумий иш стаж 8 йил ва undan ортиқ бўлган ходимларга ҳамда 21 ёшга етмаган чин (сағир) етимларга — иш ҳақининг 80 фоизи миқдоридан;

- умумий иш стаж 8 йилгача бўлган ходимларга — иш ҳақининг 60 фоизи миқдоридан.


Вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик бўйича нафақалар ходимнинг ҳақиқатдаги иш ҳақидан келиб чиқиб ҳисобланади.

**5** Ходимларга йиллик меҳнат таътили қандай тартибда берилади?

— Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 143-моддасига мувофиқ, ходимларга йиллик асосий таътил биринчи иш йили учун олти ой ишлагандан кейин берилади. Шунингдек, айрим тоифа ходимларга (масалан, ҳомилалар аёллар, ногиронлар, ун саккиз ёшга тўлмаганлар, ўриндошлик асосида ишлаётганлар, ҳарбий хизматдан захирага бўшатилган ва ишга жойлашган ҳарбийлар, иш жойи қисқаришга тушган ходимлар ва ҳ.к.) уларнинг хоҳишига кўра, йиллик таътил олти ой ўтмасдан олдин берилади.

Қўнун талабига асосан, йиллик таътил ҳар йили, шу таътил берилаётган иш йили тугагунга қадар берилиши керак.

Йиллик асосий таътил иккинчи ва undan кейинги йиллар учун таътиллار жадвалига мувофиқ, иш йилининг исталган вақтида берилади.



# 12 жавоб



**11** "Кучли ижтимоий ҳимоя" деган ибора тез-тез тилга олинади, шу ҳақда ҳам тушунтириш берсангиз.

— Кучли ижтимоий ҳимоя деганда, фуқароларни эркин ва фаровон яшашлари учун имконият ва шароитлар яратишни ўз ичига олган тадбирлар мажмуаси тушунилади.

Адолатли фуқаролик жамиятида давлат идоралари ва жамоат ташкилотлари инсонларнинг эркин ва ихтиёрий иш билан банд бўлиши, уларга меҳнатига яраша иш ҳақи бериши, кексайганда ва касалликка чалинганда пенсия ва нафақалар билан таъминланиши, ёрдамга муҳтож, кам таъминланган ва кўп болали оилаларни қўллаб-қувватлаши ва уларга ёрдам бериши керак.

Ўзбекистон Республикасида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ўз ваколатлари доирасида жисмоний имкониятлари чекланган фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш чораларини кўради.

"Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги" қонуннинг 27-моддасига асосан ногиронларга маҳаллий давлат ҳокимият органлари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш, халқ таълими ва бошқа давлат бошқарув идоралари ва ташкилотлари тиббий-меҳнат эксперт комиссияси ва шифокорларнинг тиббий хулосаларига асосан ижтимоий ёрдам кўрсатилар.

**6** Таътиллер жадвали қачон тасдиқланади ва унга ўзгартириш киритиш мумкинми?

— Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 143-моддасига асосан, йиллик таътиллари бериш навбати календар йил бошлангунга қадар иш берувчи томонидан қасаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб тасдиқланган таътиллер жадвалига мувофиқ белгиланади.

Таътил бериш вақти ҳақида ходим таътил бошланишидан камидан ўн беш кун олдин хабардор қилиниши керак.

Таътиллдан фойдаланишнинг жадвалда белгиланган вақти ходим билан иш берувчининг келишувига биноан ўзгартирилиши мумкин.

**7** Таътиллер жадвали тасдиқланганидан кейин ишга қабул қилинган ходимларга меҳнат таътили қандай тартибда берилади?

— Юқорида таъкидланганидек, ходим ишга қабул қилинганидан бошлаб, олти ой ишлаганидан кейин йиллик таътилга чиқиши мумкин. Корхонада таътиллер жадвали тасдиқланганидан кейин ишга қабул қилинган ходимларга йиллик таътил бериши тартибга солиш мақсадида, таътиллер жадвали бажарилишининг ярим йиллик аяқларидан келиб чиққан ҳолда, яъни йилнинг июл ойидан кечиктирмасдан, тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

**8** Таътиллер учун ҳақ тўлаш қачон амалга оширилиши керак?

— Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 148-моддаси талабига биноан, йиллик таътиллер даври учун ходимга ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдордаги таътил учун ҳақ жамоа шартномасида белгиланган муддатларда, лекин таътил бошланмасидан олдинги охириги иш кунидан кечиктирмасдан амалга оширилади.

**9** Ногиронларни ижтимоий ҳимоялаш тўғрисидаги қонунга тушунча берсангиз?

— Ўзбекистон Республикасининг "Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги" қонуни республикамиз мустақилликка эришганидан сўнг, яъни 1991 йилнинг 18 ноябрида Олий Мажлис томонидан қабул қилинган эди. Ушбу қонун 2008 йилнинг 11 июлида янги таҳрирда қабул қилинди. Қонун 8та боб ва 36та моддалдан иборат.

Қонуннинг асосий мақсади ногиронларни ҳар тарафлама ижтимоий ҳимоялаш, уларга қўлайликлар ва қўшимча имтиёзлар яратишни назарда тутати.

**10** Фуқароларимизнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини ошириш учун нима қилиш керак?

— Юртбошимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга йўлаган Мурожаатида парламент аъзолари, сиёсий партияларга, жамоат бирлашмалари ва айниқса, судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимларининг фаолиятига танқидий баҳо берилган ҳамда мазкур соҳа вакиллари билан Ватан ва халқ манфаати учун фидойилик талаб этилган.

Интернет тармоғида "Менинг фикрим" махсус веб-саҳифасининг жорий этилиши, жамоа бўлиб электрон мурожаат қилиш амалиёти татбиқ этилиши натижасида бир гуруҳ фуқаролар томонидан илгари сурилган таклиф ва ташаббуслар (петиция киритиш) Олий Мажлис ёки халқ депутатлари кенгашлари кўриб чиқишнинг мажбурийлиги таъминланса, қабул қилинадиган қонуларда кенг жамоатчилик иштироки таъминланиши, халқ хоҳиш-иродасининг ифода этилишида ва унинг фаоллигини оширишда катта қадам қўйилган бўлади.

**12** Миллий қонуничилигимизни такомиллаштириш ишлари тизимли амалга оширишмоқда. Давлат хизматчиларининг меҳнат фаолиятига ва уларни ижтимоий-иқтисодий ҳимоялашга оид алоҳида қонуни қабул қилинадими?

— Ҳа, албатта, республикамизда "Давлат хизмати тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилинишига жуда катта зарурият ва эҳтиёж сезилмоқда. Чунки, бугунги кунга келиб, қўйи бугундаги ташкилотлар ва идораларни, маҳаллий ҳокимликларни ва умуман корхона ҳамда ташкилотларни малакали ва салоҳиятли кадрлар билан таъминлаш ўта жиддий муаммолардан бирига айланган. Ўз-ўзидан мазлумки, юксак малакали мутахассис катта маъмулиятли, жавобгарлиги юқори бўлган, аммо моддий таъминоти шунга мувофиқ бўлмаган вазифаларга ишга боришни истамайди. Сабби, бундай иш ўринларининг ойлик маошлари жуда ҳам паст даражада қолиб кетган. Оқибатда эса, маҳаллий идоралар ва ташкилотлардан жўяли таклифлар олиш, юқори идоралардан тушаётган ҳужжатларни теран идрок этиш, уларнинг ижросини ташкил қилиш, мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказишда кўплаб камчилик ва хатоликларни кўриш мумкин.

Шу маънода, мазкур қадам давлат хизмати ходимларининг ўз вазифаларига бўлган жавобгарлиги билан бирга, уларнинг барча иқтисодий ва маънавий имкониятлари ҳам реал даражада бўлишини таъминлайди, унинг ҳуқуқий асосларини яратди. Бу дунёнинг ривожланган давлатларида шакланган амалиётдир.

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги ҳузурида Давлат хизматлари агентлигининг ташкил этилгани фуқароларнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларини такомиллаштириш йўналишидаги олиб борилаётган кенг қўламли ишларнинг манتيқий давомидир. Тан олиш керак, аҳолининг шу пайтгача айнан давлат хизматлари ва у ерда ўрнатилган асосий тартибларга эътироз ва норозилиги кучли эди. Шу маънода, давлат органлари фаолиятига ҳолисона баҳо берилган бўлса, Юртбошимиз қуноиб айтганидек, "Осмондан тушиб, халқнинг хизматини қиладиган вақт келди. Олийҳиммат ва сабр-бардошли халқимизни рози қилиш ҳар бир мансабдор шахс фаолиятининг асосий мезонига айланиши керак".

# БОЛАЛАР ЭКОТАРБИЯСИ

## Бу борада уларга АКТ яқиндан ёрдам беради

Болаларда атроф-муҳитга нисбатан дўстона муносабатни, табиат тўғрисидаги билимларни шакллантириш қанча эрта бошланса, шунча яхши. Бу борада таълим муассасаларининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Айниқса, экологик таълим-тарбия бугунги кун болалари феъл-атвори, қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда ташкиллантирилса, қўрилган натижага кўпроқ эришилади. Яъни, болаларда дастлабки экологик билимларни шакллантиришда ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Таълим муассасалари ша-роитида экологик таълимнинг технологиясини қўллаш зарур ва мақсадга мувофиқдир. Ушбу муассасалар машғулотлари ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, машғулотлар аудио ва видео ёзувлардан фойдаланилган ҳолда ҳиссий, ёрқин, кенг тасвирли матери-алларни ўз ичига олиши зарур. Буларнинг барчаси биз-ни компютер технологияла-ри ва мультимедиа имконият-лари билан таъминлайди. Фа-қат бу ҳолда компютер тар-биячи ўрнини босмаслиги, балки тўлдириши керак.

Экологик тарбия бўйича машғулот ўтказиш учун компютер технологияларидан фойдаланиш машғулотни чин маънода жозибдор ва замонавий бўлишини таъ-минлаб, ақлий ва ижодий ёндашувларга боғлиқ вази-фаларни ҳал қилади. Компютер технологияларидан фойдаланиш болаларда машғулотга нисбатан қизиқиш-ни оширади, уларда атроф-ни англаш, билиш даража-сини кучайтиради. Айниқса, ноанъанавий янги тушунти-риш ва мустақамлаш усул-ларидан ўйин шаклида фой-



даланиш болаларнинг ихтиёрий эътиборини оширишга ёрдам беради.

Болаларни табиат билан таништиришда турли матери-аллар: дидактик суратлар, санъат асарлари, фотосурат-лар, видеофилмлар, аудио-ёзувлардан фойдаланиш ке-рак. Шу тарзда болаларнинг педагогик муҳитдаги фаол иштироки таъминланади.

Мультимедиапроекторлар билан жиҳозланган компютерларда кўплаб жараёнла-ри тақдим қилиш учун катта имкониятлар мавжуд ва та-биат ҳодисалари турли тас-вирий воситалар, тасвирий-амалий материаллар орқали намоён бўлади:

1. Овозли материаллар — бу ёзиб олинган қушлар, сут эмизувчилар, ўрмон шовқи-ни, ёмғир, шамол ва бошқа-ларнинг овози;

2. Экранли материаллар — муайян мавзуга бағишланган алоҳида слайдлар.

3. Мультимедиа тақди-

мотлар — булар болаларни атрофдаги олам ҳақида фикр-лашга, гапиришга ундовчи чиройли ва ёрқин расмларга бой бўлган ўқув дастурлари.

Масалан, бола табиатнинг ўзига хос ҳодисалари ҳақида маълумотга эга бўладиган, улар билан илк бор таниша-диган машғулотларда жонли ва жонсиз табиат тасвирлан-ган слайдлардан, видеоклип-лардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Улар болалар онгида бевосита кузатувлари-да тушунишлари қийин бўлган атроф-муҳит ҳодисала-ри ва объектлари ҳақида тас-савурлар шаклланишига ёрдам беради. Схема ва мо-делларнинг вазифаси — жон-сиз табиатдаги жараёнлар, яъни сув, тупроқ ва бошқа-лар хусусиятларини тасав-вур қилишга кўмаклашишдан иборат.

Слайдлардан, анимацион расмлардан фойдаланган ҳолда озик-овқат занжирлари, экологик пирамидалар яра-тиш масаласини шаклланти-риш болаларни ечимларни мустақил тарзда топишга ун-дади. Бу уларга ўсимликлар, ҳайвонлар ва атроф-муҳит ўртасидаги боғлиқликнинг са-бабларини аниқлаш ва тушу-нишларига кўмаклашади.

Бир хил турдаги нарсалар ёки табиатдаги ўхшаш ҳо-дисалар ҳақида умумий фикр-ларни шакллантириш учун овозли слайдлардан иборат жумбоқли ўйинларни қўллаш самаралидир. Дидактик ўйин-лар болаларнинг тўғри қарор қабул қилиш, мантиқий фикр-лаш, эътиборли бўлиш, му-лоқот қилиш, хулосалар чи-қариш ва уларни исботлаш қобилиятини ривожланти-ришга катта ҳисса қўшади.

Экологияни тадқиқ қилишни бошқалар билан уйғунлаштириш, болалар-нинг жонли ва жонсиз таби-атдаги қизиқишларини ри-вожлантириш имконияти ҳайвонларнинг коллажини яратишга ёрдам беради. Бу борада компютер ва ахборот-коммуникация технология-ларидан фойдаланиш нафа-қат ўқувчилар эътиборини жалб қилишнинг, балки ҳай-вонлар ва ўсимликлар ўрта-сидаги муносабатни ҳам аниқ кўрсатиб беришнинг аjoyиб усулидир. Шу тарзда эколо-гик таълим соҳасида билим ва кўникмалар самараси си-фатини ошириш мумкин.

Бошланғич синф ўқувчи-ларининг экологик мадания-тини ахборот-коммуникация технологиялари орқали шакл-лантиришда мусиқий асарлар (табиат товушлари, классик асарлар) аҳамияти каттадир. Ривожланаётган муҳитда ўқитувчи ҳаракатлар, кетма-кетликлар, кашф қилинган белгиларни ўргатиш учун бо-лаларга таниш бўлган рам-зий белгилар, моделлардан фаол фойдаланиши ва улар билан биргаликда схематик хариталарни ишлаб чиқиши, уларни тушунтиришда нафа-қат оғзаки, балки график усулдан фойдаланиши мум-кин.

Ахборот-коммуникация технологияларидан фаол фойдаланиш ўқитувчи мақ-табгача ёшдаги болаларга экологик тарбия бериш бўй-ича таълим майдонини кен-гайтиришга имкон беради.

Одинахон ЙЎЛДОШЕВА,  
Избоскан туманидаги  
13-ўрта мактабнинг  
бошланғич синф ўқитувчиси

“Ахборот-коммуникация технологияларидан фаол фойдаланиш ўқитувчи бошланғич синф ўқувчиларига экологик тарбия бериш бўйича таълим майдонини кенгайтиришга имкон беради.”

## ЁШЛАР ЗАРАРЛИ АХБОРОТЛАРГА ҚАРШИ

Сирдарё вилоят ахборот-кутубхона марказида 30 июн — Ўзбекистонда Ёшлар куни муносабати билан ХДНнинг вилоят Кенгаши ва Ўзбекистон Ёшлар иттифоқининг АКМдаги бошланғич таш-килоти ҳамкорлигида “Ёшлар зарарли ахборотларга қарши” мавзуда давра суҳ-бати бўлиб ўтди.

Тадбирдан кўзланган асосий мақсад, ёшларимизни зарарли ахборот ва оқимлар-дан ҳимоя қилиш кечиктириб бўлмайдиган долзарб масала эканлиги, ўсиб келаётган ёш авлодни уларнинг саломатлиги, ҳаёти

ва фикрлашига салбий таъсир кўрсатади-ган ахборотлардан асраш, бўш вақтларини китоб ўқиш, спорт билан шугулланиш, тўғарақларга аъзо бўлган ҳолда вақтдан унумли фойдаланиш назарда тутилган.

Шунингдек, тадбирда ХДПнинг вило-ят Кенгаши ходими Ш.Бивтўраев ёшлар ўртасида викторина ўтказди. Тадбирда фаол қатнашган иштирокчиларга ҳомий-лар томонидан эсдалик совгалари топши-рилди.

С.ЭРМАНОВА,  
АКМ ходими

## МУҲАММАД АЛ-ХОРАЗМИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ 2018/2019 ЎҚУВ ЙИЛИГА ҚАБУЛ ТЎҒРИСИДА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Бакалаврият таълим йўналишлари. Кундузги бўлим:

| №  | Шифр    | Таълим йўналишлари   | Жами        | Давлат грантлари асосида |              |            | Тўлов-контракт асосида |              |            |
|----|---------|--|-------------|--------------------------|--------------|------------|------------------------|--------------|------------|
|    |         |  |             | Жами                     | шу жумладан: |            | Жами                   | шу жумладан: |            |
|    |         |  |             |                          | ўзбек        | рус        |                        | ўзбек        | рус        |
|    |         | <b>ТАТУ, Тошкент шаҳри бўйича жами:</b>                              | <b>1645</b> | <b>405</b>               | <b>289</b>   | <b>116</b> | <b>1240</b>            | <b>899</b>   | <b>341</b> |
| 1  | 5330300 | Ахборот хавфсизлиги (соҳадар бўйича)                                 | 175         | 20                       | 15           | 5          | 155                    | 117          | 38         |
|    | 5330500 | Компютер инжиниринги:  |             |                          |              |            |                        |              |            |
| 2  | 5330501 | Компютер инжиниринги: компютер инжиниринги                           | 250         | 100                      | 75           | 25         | 150                    | 112          | 38         |
| 3  | 5330502 | Компютер инжиниринги: АТ-сервис                                      | 50          | 15                       | 10           | 5          | 35                     | 25           | 10         |
| 4  | 5330502 | Компютер инжиниринги: мультимедиа технологиялари                     | 70          | 20                       | 15           | 5          | 50                     | 35           | 15         |
| 5  | 5330600 | Дастурий инжиниринг  | 300         | 50                       | 35           | 15         | 250                    | 185          | 65         |
|    | 5350100 | Телекоммуникация технологиялари:                                     |             |                          |              |            |                        |              |            |
| 6  | 5350101 | Телекоммуникация технологиялари: Телекоммуникациялар                 | 280         | 85                       | 60           | 25         | 195                    | 140          | 55         |
| 7  | 5350102 | Телекоммуникация технологиялари: телерадиоэшиттириш                  | 50          | 10                       | 7            | 3          | 40                     | 30           | 10         |
| 8  | 5350103 | Телекоммуникация технологиялари: мобил тизимлар                      | 70          | 15                       | 10           | 5          | 55                     | 35           | 20         |
|    | 5350200 | Телевизион технологиялар:  |             |                          |              |            |                        |              |            |
| 9  | 5350201 | Телевизион технологиялар: аудиовизуал технологиялар                  | 80          | 20                       | 15           | 5          | 60                     | 45           | 15         |
| 10 | 5350202 | Телевизион технологиялар: телестудия тизимлари ва иловалари          | 60          | 10                       | 7            | 3          | 50                     | 35           | 15         |
| 11 | 5350300 | Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида иқтисодиёт ва менежмент | 50          | 5                        | 3            | 2          | 45                     | 30           | 15         |
| 12 | 5350400 | Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида касб таълими            | 50          | 10                       | 7            | 3          | 40                     | 30           | 10         |
| 13 | 5350500 | Почта алоқаси технологияси   | 80          | 30                       | 20           | 10         | 50                     | 35           | 15         |
| 14 | 5350600 | Кутубхона-ахборот фаолияти (фаолият турлари бўйича)                  | 80          | 15                       | 10           | 5          | 65                     | 45           | 20         |

Махсус сиртқи бўлим:

| № | Шифр    | Таълим йўналишлари  | Жами       | Давлат грантлари асосида |              |          | Тўлов-контракт асосида |              |           |
|---|---------|---|------------|--------------------------|--------------|----------|------------------------|--------------|-----------|
|   |         |   |            | Жами                     | шу жумладан: |          | Жами                   | шу жумладан: |           |
|   |         |   |            |                          | ўзбек        | рус      |                        | ўзбек        | рус       |
|   |         | <b>ТАТУ бўйича жами:</b>  | <b>100</b> | <b>15</b>                | <b>10</b>    | <b>5</b> | <b>85</b>              | <b>63</b>    | <b>22</b> |
| 1 | 5330500 | Компютер инжиниринги ("Компютер инжиниринги", "АТ-сервис", "Мультимедиа технологиялари")    | 25         | 10                       | 7            | 3        | 15                     | 11           | 4         |
| 2 | 5350200 | Телевизион технологиялар ("Аудиовизуал технологиялар", "Телестудия тизимлари ва иловалари") | 25         | 5                        | 3            | 2        | 20                     | 15           | 5         |
| 3 | 5350500 | Почта алоқаси технологияси  | 50         |                          |              |          | 50                     | 37           | 13        |

Бакалавриятнинг кундузги ва махсус сиртқи бўлимларига ҳужжатлар  
2018 йил 15 июндан 15 июлга қадар (шу кунни ҳам) қабул қилинади.  
Магистратура

| № | Шифр     | Мутахассисликлар                                 | Жами       | Давлат грантлари асосида |              |          | Тўлов-контракт асосида |              |           |
|---|----------|--|------------|--------------------------|--------------|----------|------------------------|--------------|-----------|
|   |          |  |            | Жами                     | шу жумладан: |          | Жами                   | шу жумладан: |           |
|   |          |  |            |                          | ўзбек        | рус      |                        | ўзбек        | рус       |
|   |          | <b>ТАТУ, Тошкент шаҳри бўйича жами:</b>          | <b>164</b> | <b>28</b>                | <b>21</b>    | <b>7</b> | <b>136</b>             | <b>89</b>    | <b>47</b> |
| 1 | 5A330301 | Криптография ва криптоанализ (йўналишлар бўйича) | 5          | 1                        | 1            |          | 4                      | 3            | 1         |
| 2 | 5A350302 | Ахборот хавфсизлиги (йўналишлар бўйича)          | 15         | 3                        | 2            | 1        | 12                     | 8            | 4         |



|    |          |   |  |    |   |   |   |    |    |   |
|----|----------|---|--|----|---|---|---|----|----|---|
|    | 5A330501 | Компютер инжиниринги:   |  |    |   |   |   |    |    |   |
| 3  | 5A330501 | Компютер инжиниринги: компютер тизимларини лойиҳалаш                                |  | 15 | 3 | 2 | 1 | 12 | 8  | 4 |
| 4  | 5A330501 | Компютер инжиниринги: амалий дастурий воситаларни лойиҳалаш                         |  | 11 | 2 | 1 | 1 | 9  | 6  | 3 |
| 5  | 5A330501 | Компютер инжиниринги: ахборот ва мультимедиа технологиялари                         |  | 8  | 1 | 1 |   | 7  | 5  | 2 |
| 6  | 5A330502 | "Электрон ҳукумат" тизимини бошқариш  |  | 10 | 3 | 2 | 1 | 7  | 5  | 2 |
| 7  | 5A330601 | Дастурий инжиниринг   |  | 15 | 3 | 2 | 1 | 12 | 8  | 4 |
|    | 5A350101 | Телекоммуникация инжиниринги:   |  |    |   |   |   |    |    |   |
| 8  | 5A350101 | Телекоммуникация инжиниринги: ахборот узатиш тизимлари                              |  | 17 | 2 | 1 | 1 | 15 | 10 | 5 |
| 9  | 5A350101 | Телекоммуникация инжиниринги: телекоммуникация тармоқлари                           |  | 11 | 2 | 1 | 1 | 9  | 6  | 3 |
|    | 5A350104 | Телекоммуникация тизимлари ва тармоқларида ахборот хавфсизлиги                      |  | 4  | 1 | 1 |   | 3  | 2  | 1 |
| 11 | 5A350301 | Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида иқтисодиёт ва менежмент                |  | 4  |   |   |   | 4  | 3  | 1 |
| 12 | 5A350303 | Рақамли иқтисодиёт  |  | 4  |   |   |   | 4  | 2  | 2 |
| 13 | 5A232801 | Электрон тижорат  |  | 4  | 1 | 1 |   | 3  | 2  | 1 |
| 14 | 5A350501 | Почта хизматини ташкил этиш ва технологияси   |  | 4  |   |   |   | 4  | 3  | 1 |
| 15 | 5A350602 | Электрон кутубхона ва архивлар  |  | 7  | 1 | 1 |   | 6  | 4  | 2 |
| 16 | 5A350702 | Алгебралар ва ўта юқори частотали қурилмалар  |  | 5  | 1 | 1 |   | 4  | 2  | 2 |
| 17 | 5A380801 | Телевидение, радиоалоқа ва радиоэшиттириш қурилмалари ва тизимлари (турлари бўйича) |  | 5  | 1 | 1 |   | 4  | 2  | 2 |
| 18 | 5A350901 | Мобил алоқа тизимлари   |  | 8  | 1 | 1 |   | 7  | 4  | 3 |
| 19 | 5A351001 | Аудиотехнологиялар  |  | 6  | 1 | 1 |   | 5  | 3  | 2 |
| 20 | 5A351002 | Видеотехнологиялар  |  | 6  | 1 | 1 |   | 5  | 3  | 2 |

Магистратурага ҳужжатлар 2018 йил  
1 июндан 30 июлга қадар қабул қилинади.  
**Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани,  
Амир Темур кўчаси, 108-бино. Телефон: 238-64-06.**

# ТАШКЕНТСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ ИМЕНИ МУХАММАДА АЛЬ-ХОРАЗМИИ ОБЪЯВЛЯЕТ О ПРИЁМЕ НА 2018/2019 УЧЕБНЫЙ ГОД

Направления образования бакалавриата, Дневное отделение:


| №  | Шифр    | Направление образования  | Всего        | На основе гранта |              |            | На контрактной основе |              |            |
|----|---------|--|--------------|------------------|--------------|------------|-----------------------|--------------|------------|
|    |         |  |              | Всего            | в том числе: |            | Всего                 | в том числе: |            |
|    |         |  |              |                  | узбек        | рус        |                       | узбек        | рус        |
|    |         | <b>ТУИТ, по г.Ташкенту всего</b>   | <b>1 645</b> | <b>405</b>       | <b>289</b>   | <b>116</b> | <b>1 240</b>          | <b>899</b>   | <b>341</b> |
| 1  | 5330300 | Информационная безопасность (по сферам)  | 175          | 20               | 15           | 5          | 155                   | 117          | 38         |
|    | 5330500 | Компьютерный инжиниринг:   |              |                  |              |            |                       |              |            |
| 2  | 5330501 | Компьютерный инжиниринг (Компьютерный инжиниринг)                              | 250          | 100              | 75           | 25         | 150                   | 112          | 38         |
| 3  | 5330502 | Компьютерный инжиниринг (ИТ-сервис)  | 50           | 15               | 10           | 5          | 35                    | 25           | 10         |
| 4  | 5330502 | Компьютерный (Мультимедийные технологии)                                       | 70           | 20               | 15           | 5          | 50                    | 35           | 15         |
| 5  | 5330600 | Программный инжиниринг   | 300          | 50               | 35           | 15         | 250                   | 185          | 65         |
|    | 5350100 | Телекоммуникационные технологии:   |              |                  |              |            |                       |              |            |
| 6  | 5350101 | Телекоммуникационные технологии (Телекоммуникации)                             | 280          | 85               | 60           | 25         | 195                   | 140          | 55         |
| 7  | 5350102 | Телекоммуникационные технологии (Телерадиовещание)                             | 50           | 10               | 7            | 3          | 40                    | 30           | 10         |
| 8  | 5350103 | Телекоммуникационные технологии (Мобильные системы)                            | 70           | 15               | 10           | 5          | 55                    | 35           | 20         |
|    | 5350200 | Телевизионные технологии:  |              |                  |              |            |                       |              |            |
| 9  | 5350201 | Телевизионные технологии (Аудиовизуальные технологии)                          | 80           | 20               | 15           | 5          | 60                    | 45           | 15         |
| 10 | 5350202 | Телевизионные технологии (Системы и приложения телестудий)                     | 60           | 10               | 7            | 3          | 50                    | 35           | 15         |
| 11 | 5350300 | Экономика и менеджмент в сфере информационно-коммуникационных технологий       | 50           | 5                | 3            | 2          | 45                    | 30           | 15         |
| 12 | 5350400 | Профессиональное образование в сфере информационно-коммуникационных технологий | 50           | 10               | 7            | 3          | 40                    | 30           | 10         |
| 13 | 5350500 | Технология почтовой связи  | 80           | 30               | 20           | 10         | 50                    | 35           | 15         |
| 14 | 5350600 | Библиотечно-информационная деятельность (по видам деятельности)                | 80           | 15               | 10           | 5          | 65                    | 45           | 20         |

Специальное заочное отделение:

| № | Шифр    | Направление образования   | Всего      | На основе гранта |              |          | На основе контракта |              |           |
|---|---------|---|------------|------------------|--------------|----------|---------------------|--------------|-----------|
|   |         |   |            | Всего            | в том числе: |          | Всего               | в том числе: |           |
|   |         |   |            |                  | узбек        | рус      |                     | узбек        | рус       |
|   |         | <b>ТУИТ, по г.Ташкенту всего</b>  | <b>100</b> | <b>15</b>        | <b>10</b>    | <b>5</b> | <b>85</b>           | <b>63</b>    | <b>22</b> |
| 1 | 5330500 | Компьютерный инжиниринг ("Компьютерный инжиниринг", "ИТ-сервис", "Мультимедийные технологии") | 25         | 10               | 7            | 3        | 15                  | 11           | 4         |
| 2 | 5350200 | Телевизионные технологии ("Аудиовизуальные технологии", "Системы и приложения телестудий")    | 25         | 5                | 3            | 2        | 20                  | 15           | 5         |
| 3 | 5350500 | Технология почтовой связи   | 50         |                  |              |          | 50                  | 37           | 13        |

Приём документов на дневное и специальное заочное отделения бакалавриата будет производиться с 15 июня по 15 июля (в этот день тоже) 2018 года. Магистратура

| № | Шифр     | Специальности                                 | Всего      | На основе гранта |              |          | На основе контракта |              |           |
|---|----------|---|------------|------------------|--------------|----------|---------------------|--------------|-----------|
|   |          |   |            | Всего            | в том числе: |          | Всего               | в том числе: |           |
|   |          |   |            |                  | узбек        | рус      |                     | узбек        | рус       |
|   |          | <b>ТУИТ, по г.Ташкенту всего</b>              | <b>164</b> | <b>28</b>        | <b>21</b>    | <b>7</b> | <b>136</b>          | <b>89</b>    | <b>47</b> |
| 1 | 5A330301 | Криптография и криптоанализ (по направлениям) | 5          | 1                | 1            |          | 4                   | 3            | 1         |



|    |          |  |    |   |   |   |    |    |   |
|----|----------|--|----|---|---|---|----|----|---|
| 2  | 5A350302 | Информационная безопасность (по направлениям)                            | 15 | 3 | 2 | 1 | 12 | 8  | 4 |
|    | 5A330501 | Компьютерный инжиниринг  |    |   |   |   |    |    |   |
| 3  | 5A330501 | Компьютерный инжиниринг: Проектирование компьютерных сетей               | 15 | 3 | 2 | 1 | 12 | 8  | 4 |
| 4  | 5A330501 | Компьютерный инжиниринг: Проектирование прикладных программных средств   | 11 | 2 | 1 | 1 | 9  | 6  | 3 |
| 5  | 5A330501 | Компьютерный инжиниринг: Информационные и мультимедийные системы         | 8  | 1 | 1 |   | 7  | 5  | 2 |
| 6  | 5A330502 | Управление системой «Электронное правительство»                          | 10 | 3 | 2 | 1 | 7  | 5  | 2 |
| 7  | 5A330601 | Программный инжиниринг   | 15 | 3 | 2 | 1 | 12 | 8  | 4 |
|    | 5A350101 | Телекоммуникационный инжиниринг:   |    |   |   |   |    |    |   |
| 8  | 5A350101 | Телекоммуникационный инжиниринг Системы передачи информации              | 17 | 2 | 1 | 1 | 15 | 10 | 5 |
| 9  | 5A350101 | Телекоммуникационный инжиниринг: Сети телекоммуникаций                   | 11 | 2 | 1 | 1 | 9  | 6  | 3 |
| 10 | 5A350104 | Информационная безопасность систем и сетей телекоммуникаций              | 4  | 1 | 1 |   | 3  | 2  | 1 |
| 11 | 5A350301 | Экономика и менеджмент в сфере информационно-коммуникационных технологий | 4  |   |   |   | 4  | 3  | 1 |
| 12 | 5A350303 | Цифровая экономика   | 4  |   |   |   | 4  | 2  | 2 |
| 13 | 5A232801 | Электронная коммерция  | 4  | 1 | 1 |   | 3  | 2  | 1 |
| 14 | 5A350501 | Организация и технология почтовой службы                                 | 4  |   |   |   | 4  | 3  | 1 |
| 15 | 5A350602 | Электронная библиотека и архивы  | 7  | 1 | 1 |   | 6  | 4  | 2 |
| 16 | 5A350702 | Антенны и сверхвысокочастотные устройств                                 | 5  | 1 | 1 |   | 4  | 2  | 2 |
| 17 | 5A380801 | Устройства и системы телевидения, радиосвязи и радиовещания (по видам)   | 5  | 1 | 1 |   | 4  | 2  | 2 |
| 18 | 5A350901 | Мобильные системы связи  | 8  | 1 | 1 |   | 7  | 4  | 3 |
| 19 | 5A351001 | Аудиотехнологии  | 6  | 1 | 1 |   | 5  | 3  | 2 |
| 20 | 5A351002 | Видеотехнологии  | 6  | 1 | 1 |   | 5  | 3  | 2 |

Приём документов в магистратуру будет производиться с 1 июля до 30 июля.  
Адрес: город Ташкент, Юнусабадский район, ул. А.Темура-108. Телефон: 238-64-06.

## ФУҚАРОЛАР ЭМАС, ҲУЖЖАТЛАР ҲАРАКАТЛАНАДИ

Ўзбекистон Республикаси адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги Хоразм вилоят бошқармаси томонидан Хонқа туман давлат хизматлари марказида тажриба тариқасида 70-100 турдаги талаб юқори бўлган давлат хизматлари кўрсатилиши йўлга қўйилган.

Мамлакатимизда давлат хизматлари кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш, аҳоли ҳаёти сифати, инвестиция иқлими, ишчанлик муҳитини яхшилаш, талбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, аҳоли муаммоларини ўрганиш ва жойида ҳал этиш, қишлоқ инфратузилмаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор. Давлат хизматлари марказларида аҳолига тез ва сифатли, кенг турдаги давлат хизматларини кўрсатиш мақсадида бир қатор ишлар амалга

ошириляпти. Марказлар юридик шахслар билан бир қаторда, жисмоний шахсларга ҳам хизмат кўрсатади.

Жорий йилнинг апрел ойидан бошлаб, марказларда аҳолига инновацион технологиялар ва замон талабларига мос равишда кўрсатиб келинаётган 37 турдаги хизматлар сони 50га етказилди. Хонқа туман давлат хизматлари маркази жорий йил 1 июндан бошлаб тажриба тариқасида 31 турдаги давлат хизматларини аҳолига тақдим этишни бошлаб юборган.

Мақсадбек Султонов Тошкент давлат юридик университетига ҳужжат топшириш учун бир йилдан бери тайёргарлик кўради. Аммо, йўл ҳаражатлари уни ва оила аъзоларини қийнаётган муаммолардан бири эди. У туман давлат хизматлари марказига келиб, ҳужжатларини элек-

трон тарзда кўрсатилган манзилга жўнатди. Бу билан унинг қимматли вақти ва йўл ҳаражати тежалди.

— Тўғриси айтсам, бу ҳақда телеэкран орқали хабардоғ бўлдим. Лекин ишонмадим, — деди Мақсадбек Султонов. — Чунки, олийгоҳга ҳужжат топшириш учун олинлари университетнинг ўзига борилад эди. Йўл ҳаражатлари оила аъзоларини ҳам ўйлантираётганди. Ҳозир мана, ҳужжатларимни электрон тарзда жўнатиб беришди. Абитуриент ҳужжати олдим. Катта раҳмат, менга ва оиламдагиларга қутилмаган совға бўлди бу.

Бундан ташқари, шу туманда истиқомат қилувчи Сапура Раҳмонованинг газ ҳисоблагичи билан боғлиқ аризаси шу ернинг ўзига бириктирилган мутасадди ташкилот вакиллари билан ҳамкорликда ҳал этилди.

— Ҳисоблагичимни алмаштириш учун у ташкилотдан бу ташкилотга бориб келиб сарсон бўлдим, — деди биз билан суҳбатда Сапура Раҳмонов. — Ягона дарча тамойили асосида давлат хизматлари марказига келиб ариза ёзган эдим, шу ернинг ўзига масаламга ечим топилди.

— Сапура Раҳмонова томонидан туман давлат хизматларига ариза келиб тушди. Марказ ходимлари билан ҳамкорликда ишлаганимиз боис, унинг хонадонига бориб янги газ ҳисоблагичини ўрнатиб бердик, — деди газ ҳисоблагичи чилангари Рашид Мадаминов. — Албатта, амалга оширилаётган бу саъй-ҳаракатлар аҳолининг узоғини яқин, оғирини энгил қилаётир.

**Нилуфар ЖАББОРОВА,**  
“Хабар”нинг Хоразм вилоятидаги мухбири

## ҚАШҚАДАРЁДА “UCCELL” ОФИСЛАРИ ОЧИЛДИ



Қашқадарё вилоятининг Қарши ва Шаҳрисабз шаҳарларида “Ucell” офисларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди.

Тантанали маросимда “Ucell” компанияси молия департаменти директори Гари Митчелл Красни, Қарши шаҳар ҳокимининг ўринбосари Алишер Насимов, Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Санжар Арипов ва бошқалар сўзга чиқиб, офисларнинг асосий афзалликлари ва мижозларга яратилаётган қулайликлар тўғрисида гапирдилар.

Шу кунги офисларда янги электрон навбат тизими ишга туширилди. Офисларга совутиш тизими, офис ташқарисига банккомат ўрнатилган. Аҳоли хоҳлаган вақтда келиб, банккомат орқали пластик карталар ёрдамида ўз ҳисобларини тўлдириш имкониятига эга. Шунингдек, велосипедлар учун махсус тураржой фойдаланишга топширилди.

**Афтондил ИСМОИЛОВ,**  
“Хабар”нинг  
Қашқадарё вилоятидаги мухбири  
Муаллиф олган сурат.

## ЧОРШАНБА – ЁНГИН ПРОФИЛАКТИКАСИ КУНИ

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетига Юнусобод тумани Ёнгин хавфсизлиги бошқармаси ходимлари томонидан “Ёнгин хавфсизлиги қондаларига роя қилиш” мавзусида амалий машғулот ва семинар ўтказилди. Тадбирда университет ходимлари ва ёнгин хавфсизлигига масъул шахсларга ёнгин хавфсизлиги қондалари назарий ҳамда амалий жиҳатдан тушунтирилди. Саволларга атрафлича жавоблар берилди.

Эслатиб ўтамиз, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 23 майдаги “Ички ишлар органлари ёнгин хавфсизлиги бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2992-қарорининг 6-банди талаблари ижросини таъминлаш мақсадида республика ҳудудида ҳафтанинг ҳар чоршанба кунини “Ёнгин профилактикаси кунини” этиб белгиланган.

**М.УБАЙДУЛЛАЕВ,**  
Юнусобод ЁХБ инспектори

## ГИЁҲВАНДЛИК – АСР ВАБОСИ

Аҳмад Фаргоний номидаги Фарғона вилоят ахборот-кутубхона марказида 26 июн — Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш кунини муносабати билан маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Унда абитуриентлар, Фарғона педагогика коллежи ўқувчилари — АКМ амалиётчилари, алоқа корхоналари ходимлари иштирок этишди. Вилоят наркологиya диспансери мажбурий даволаш бўлими бошлиғи Муҳиддин Қодиров касалликнинг келиб чиқиш сабаблари, оқибатлари, олдини олиш чоралари тўғрисида сўзлаб, диспансер жамоасининг вилоят, ша-

ҳар ва туманлар ҳокимликлари, прокуратура, ички ишлар ва МФЙлар билан ҳамкорликда олиб бораётган тарғибот ишлари кучайтираётганини таъкиллаб ўтди.

Шу йил бошидан мактаблар, олий ўқув юрталари, корхона ва ташкилотларда, маҳаллаларда 1300 мартадан кўпроқ давра суҳбатлари ташкил этилди. Матбуотда ўндан ортиқ мақолалар ёритилиб, Фарғона ТВда кўрсатувлар намойиш қилинди. Энг кўп гиёҳвандлик ҳолати Қўқон шаҳрида қайд этилган. Стационар шароитда даволанган 963 нафар беморнинг 19 нафари гиёҳванд,

қолгани алкоғолизмга чалинган. Аноним даволанувчилар 186 нафар бўлиб, бу дегани ишловчи, жамиятда ўрни бўлгани ҳолда иродасини қўлга олиб, спиртли ичимликлар ёки гиёҳвандликка қарамликдан чиқиш кета олмаётган кишилардир.

Бинобарин бу касалликларни дастлабки босқичда қисқа фурсатларда муваффақиятли даволаш мумкин. Кейинги босқичларда ярим йил, ўндан кўпроқ вақт ва жуда кўп маблағ сарф бўлади. Фарғона ва Қўқон шаҳарларида аноним хоналар, ҳамма шаҳар ва туманлар тиббиёт

бирлашмаларида кабинетлар беминнат фаолият юритмоқдаки, ўз вақтида мурожаат қилганлар дардига шифо топиб кетишяпти.

Тадбирда Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий тадқиқот институти Фарғона ҳудудий бўлинимаси бўлим мудири Фариза Жўраева соғлом яшаш тарзи, инсон саломатлигини хавф остида қолдирувчи иллатлардан халос бўлиш йўллари ва аҳамияти ҳақида кенг қамровли тушунчалар берди.

**Ҳафиза САЛЯҲОВА,**  
“Хабар”нинг Фарғона вилоятидаги мухбири



Лайло Усмон 1945 йилда Кувайтда таниқли шоир Абдуллоҳ Абдуллатиф ал-Усмон оиласида туғилган. 1965 йилдан бошлаб матбуотда адабиёт ва санъат соҳасида мақолалар эълон қилган. Кувайт телевидениесига ҳозирги маданият масалалари дастурини олиб борган. "Шивир" шеърлар тўплами, "Шиша ичидаги аёл" ҳикоялар тўплами, "Кўзлар тунда тўқнашадилар", "Севги жозибаси", "Аёл ва мушук" қиссалари ва бошқа асарлари араб дунёсида машҳур.



Лайло УСМОН

(Ҳикоя)

Бекорчи болакайлар Норани ақдан озган деб ҳисоблашарди — аслида у ақдан озган ҳам, жинни ҳам эмасди. "Қизлар маҳалласи"да уни шимол қизларидек оқбаданлиги, катта-катта тим-қора кўзлари туфайли энг чиройли қизча деб билишарди. Бу маҳаллада қизлар кўп туғилгани учун уни "Қизлар маҳалласи" деб аташган.

Нора кўчада кўриниши билан болалар чапак чалиб, овозларининг борица "Нора жинни", "Нора жинни" деб қичқира бошлашарди.

Шунда шўрлик қиз ўзини тезроқ панага олишга шошилар, ичида эса у онаси маҳаллада қизининг ақдан озгани тўғрисида гапириб берган кун ва соатни аямай қарғарди.

Бу ҳодиса анча олдин, кўп ойлари олдин рўй берганди. Болаларнинг каттаси бўлгани учун Нора сабзавот ва бошқа озиқ-овқатларни сотиб олгани тез-тез дўконларга чиқиб турарди. Кўпинча бу нарса-ларни маҳаллаларидаги ягона баққол Сайиндан сотиб оларди. Бу ўша сиз билган европача либосдаги олифта Сайид ҳар доим — эғнида шим ва кўйлак, бошида гардиши ҳалдан ташқари энли шляпада юрарди.

Бир куни Нора катта бир балиқни қопга солиб, оғирлигидан кўтара олмай, ерда судраб келарди. Сайиднинг дўкончаси жойлашган кўчадан ўтгач, у катта дарвозага етиб келди, шу ерда бир эски қудуқ бор эди. Иккала қўли билан қопни ушлаб, орқаси билан юриб келаётганидан у қудуқни кўрмай унга думалаб тушди. Ҳозиргина келаётган одамнинг тўсатдан ғойиб бўлиб қолганини кўриб, кўча қоролушининг кайфи учди. Унинг қичқирғига одам тўпланди. Жудаём озгин бирини челака ўтказиб, қудуққа туширишди-да, Нора билан бирга тортиб чиқариб олишди. Қиз ҳушидан кетган эди-ю аммо Аллоҳга шукр, ўлмай қолганди. Бошининг орқасини қудуқ деворига қаттиқ уриб олганди. Доктор кўриб, озгина мияси чайқалганини, ўзига келгач, унчамунча галати қилиқлар қилиши мумкинлигини, аммо бундан ташвишланмаслик кераклигини айтди.

Норанинг онаси эса дуч келганга қайғусини айтиб дардлашарди, ажабловур қизим ақдан озди деб зорлангани-зорланган эди. Бора-бора бу Норанинг ўзига таъсир қилиб, қовоғини солиб юрадиган, ҳеч кимга қўшилмайдиган одамови бўлиб қолди. Кўчага ҳам чиқмай қўйди. Дўконга эса сингиллари бориб келишарди.

Бир неча ойлик "зиндонли" ҳаётдан сўнг Нора охири кўчага чиқиб азм қилди. У бўлиб ўтган воқеа ҳаммининг эсидан чиқиб кетган деб ўйларди. Қаёқда! Унга кўзи тушган ҳамон бир ажинадек қизалоқ дугоналарини чақира бошлади: "Ҳой, тез бу ёққа келинлар!

Жинни чиқди!" Шундай дели-ю бошқа қизлар чопа-чопа келиб, шарақлаб кула бошлашди, Норани қуршаб олиши ва бир маромда айланиб, қўшиқ айта бошлашди:

— Нора жинни, Нора жинни, Норанинг мияси йўқ.

Бундай бўлишини кутмаган Нора аламдан чинқириб юборди. Қизчалар ундан қўрққандай ёлғондакам ҳар томонга қочишди ва бир-бирларига:

— Эҳтиёт бўлинглар, жинни тагин тишлаб олмасин! — деб қичқаришди.

Кўзлари жикка ёш Нора чопиб уйга кирди-да, аламини онасидан олди:

— Ҳаммасига сиз айбдорсиз. Сизни ёмон кўраман!

Шундай дея у яна ичкарига қамалиб олди. Шу кундан бошлаб Норанинг тинч ҳаётига яна "кўз тегди". Уни кўрган борки, масҳара қилмай қўймади. Ҳатто маҳалла доясининг меъров ўли Солиҳ ҳам Норани бурчақларда пойлаб турар, қиз уни кўриб қараб қочиб кетаётганда, орқасидан: "Нора жинни, Нора жинни", деб қичқирарди.

Аммо аста-секин Нора ўзини қўлга ола бошлади. Базан ўзини жинни қилиб кўрсатиш ўзига ёқар эди ҳам. Энди биров унинг жигига тегадиган бўлса, бу ҳам ўчакишиб, озгини катта очар ва тилини чиқариб кўрсатар, тим-қора кўзларини олайтириб, масҳара қилганга қаттиқ тикилар эди, у бўлса кўрқиб: — "Ойижон, мени анови жиннидан кутқарин!" — деб қочиб қолар эди.

Рақибининг бунақа кўрқиларини кўриб, Нора ўзини дадилроқ ҳис этар эди.

Маҳалладагилар энди Норани илгаригидай тинмай гийбат қилишмасди. Ҳалиги бахтсиз ҳодисадан сўнг Норанинг отаси қудуқнинг атрофини ўраб қўйиш учун пул берди, ўз қўли билан унга қопқоқ ҳам ясади. Суякли қизининг бошига тушган балага бошқа биров ҳам дучор бўлишини истамасди.

Нора бўйга етиб, чинакам соҳибжамол қизга айланди. Катта сочлари энди елкасини тўлдириб, ҳар тўлқин турганида, қизнинг бир хуснига ўн хус қўшиб юборар эди. Жума кунлари ойиси хинага бўяганида сочи янада товланиб кетди. Она барча олтовлон қизи учун хинани маҳалланинг сатанг хотини Умм Сааддан сотиб олар эди.

Энди Нора ҳам, унинг ёшидаги бошқа қизлар ҳам илгаригидек кўнгиллари хоҳлаганда ўйнаб келиш учун кўчага чиқа олмас эдилар, чунки улар энди бўй этиб, кўзга кўриниб қолишганди.

Бир куни оқшом чоғи Нора тасодифан ота-онасининг ўзaro суҳбатини эшитиб қолди-ю тун бўйи ухломмай чиқди.

— Ҳой эр, — дерди онаси, — Норанинг бўйи етиб қолди, аммо шу ҳолда уни ким ҳам оларди?

— Аввали Парвардигор. Солиҳнинг ундан нимаси ортиқ? Тенг тенги билан, тезак қоли билан.

— Ўйлаб гапиряписми, отаси? Нима қилишимни ҳам билмайман, бошим қотган... Йўқ, келинг, шу ўртанча қизимиздан гаплашайлик.

Ота-онаси кейин ҳам шу мавзуда кўп гаплашишди. Нора эса нуқул ойнага қараб ўйларди: "Ростдан мен бошқаларга ўхшайманми? Наҳотки, бошқа қдамлардай яшаш менга насиб қилмаган бўлса?"

Гоҳ-гоҳ Нора ўқраб йўғлар, онаси ва сингиллари унинг йиғисини эшитиб, бошларини чайқар эдилар:

— Шўрлик қиз! Нимани ҳам туншунарди!

...Вақт ўтиб бораверди. Ногоҳ Норанинг отаси бетоб бўлиб, ётиб қолди ва савдогар Фаҳднинг дўконига ишга чиқа олмади. Бир куни эшик тақиллади ва эшикни очгани Нора борди. Эшикни тақиллатган қўшни маҳалланинг хушрўй йигити, Фаҳднинг ўғли Наиф эди. Хўжайиннинг ўғлини

кўриб, Нора бир дам ўзини йўқотиб қўйди. Қизнинг гўзал тўлинойдек балқиб турган чех-расини кўриб, Наиф ҳам каловланиб қолди. Ниҳоят, у ўзини қўлга олиб, сўради:

— Отанг қани?

— Уйда. Лекин улар касал ётибди.

— Нима бўлганини билгани келгандим. Кирсам майлими?

— Ҳозир. Онамни чақирай. Нора югуриб ичкарига кириб кетди. Наиф унинг орқасидан ҳавас билан қараб қолди. Қизнинг мавжланиб, орқасини тўлдириб турган сочларидан ўпгиси келиб кетди...

Қизнинг отаси Жасим тузалиб, дўконга келганида хўжайин уни жуда хушмуомалалик билан қаршилади ва деди:

— Ўғлим қизингиз Норага уйланмоқчи. Бунга нима дейсиз?

Жасим қулоқларига ишонмади, нима жавоб беришини билмай, лол эди.

— Гапимни эшитдингизми?

— Фаҳд Жасимни елкасига уриб қўйди: — Наиф қизингиз Норага уйланмоқчи. Ё қизингизни узатиш ниятингиз йўқми?

Жасимнинг кўзлари жикка ёшга тўлди.

— Аммо, эй Наифнинг муҳтарам отаси... Эй Аллоҳ... Бу ёғи қандоқ бўлди? Сизлар ким-сизлар у, биз киммиз...

Савдогар норози қиёфада хўмрайиб, лабларини қимтиди.

— Нега ундай дейсиз? Сизни билмайми? Инсофли, дёнәттли одамсиз. Сиз билан қариндош бўлсак ёмон бўлмайди. Тақлифимдан суюнарсиз деб ўйлагандим.

— Аллоҳ умрингизни узоқ қилсин, — деди Жасим, — Мен-ку, жон-жон дердим... Аммо Нора... қизингиз ҳалигидай...

— Ота мияси айнинган дегандай қўлини ҳавода маъноли ўйнатиб қўйди.

— Ўз қизингизга тўхмат қилманг, — бирдан жиддийлашиб деди Фаҳд. — Норанинг тўрт мучаси соғ. Нега унинг бахтига тўсқинлик қиласиз?

Жасим бошини эгди, қўлларини кўксига қўйиб, бир неча бор такрорлади:

— Менинг қизим — сизнинг қизингиз. Илоё, қизимнинг бахтини берсин.

Маҳаллада янги хабар яшин тезлигида тарқалди. "Бой савдогарнинг сусурдай ўғли Наиф жинни Норага уйланармиш. Шаҳзоданинг ишқи қурбақага тушибди! Маҳаллада чиройли қизлар кам эдимми?"

Нора эса бахтдан ял-ял ёнганча ҳаммага бирдек табасум билан қарарди...

...Маҳалла қувонди. Шойибаркутларга чулганган Нора тўйга тайёргарлик кўрмоқда. Унинг кўзлари қувончга тўлган. Тўлмасин-ми? Ахир у маҳаллада энг барно йигитга турмушга чиқяпти. Шаҳарда бу йигитга ҳавас қилмаган қиз бормиди?..

Ўша қизлар энди Нора каби "жинни" бўлишни орзу қилмоқда эдилар.

Араб тилидан  
Шаҳло АҲМЕДОВА  
таржимаси

# ТУЙҒУ ЗАВҚИ



Эрта тонг, ҳали қуёш шуъла таратишга улгурмаган. Барглarning шивирлаши нимадир де-моқчидек туюлади. Ширин тушлар оғушида ухлаётган инсонга табиат ишлари ҳам тушдек. Уйқум бузилди, ўрнимдан туриб деразани очдим. Майин шабаданнинг эсиши ёқимли. Таниш ифор, фаслар алмашаётгани билиниб турарди. Бироз уйга толибман. Ичкари хонадан куй овози эшитилди. Бу радиодан таралаётган маънос оҳанг эди. Оқшомда уни ўчириш ёдимдан кўтарилган экан. Хонага кириб куй овозини хиёл баландлатдим. Гўёки хофиз менинг дардларимни куйлаётгандек. Кўшиқнинг “Мени ташлаб кетма...” мисралари тингловчини ўзига тортмай қўймади.

“Ўткан кунлар”ни ёдга соларди куй, унда эса сенинг исминг янграрди. Сенга қанчалар боғланиб қолганимни билсанг эди. Буну тушунтириш қийин...

“Ўткан кунлар”ни ёдга соларди куй, унда эса сенинг исминг янграрди. Сенга қанчалар боғланиб қолганимни билсанг эди. Буну тушунтириш қийин... Кўнгилга яқин инсон билан ҳиссиётга берилиб парвоз қилиш — муҳаббатнинг очи-лишидир. Майин овозинг, ширин кулишинг, самимийлигинг вужудимга сархушлик солади. Кўзингдagi сирни ўқир эканман, сенга қизиқишим ортиб бораверади. Сен билан ўтка-заётган шу дамларнинг сароб бўлиб қолишини истамайман. Сен билан учрашган меҳр бо-гини бахт саройига айланишини қанчалар хоҳлардим.

Танишган кунимиздан бош-лаб сифатингга баҳо бермас-дан туриб сени ёқтириб қо-лишимга ишонмаслигинг мум-кин, лекин бу ҳақиқат. Сен-га сўзларим қизиқ туюлиши турган гап. Кимдир ёрига бўлган меҳрини ошқора баён қилса, кимдир пинҳона ушла-ши мендан ҳам кўпроқ сенга аён. Мен тўғримида салбий хаёлларга боришинг аниқ, бунга етарли

сабаблари бор, деб ўйлашинг-га ҳам шубҳа қилмайман.

Меҳр боғлаган икки дил учун бу сабаблар тўсиқ бўла олмай-ди. Сенга бўлган муҳаббатимни исботлаш ниятида ҳам эмасман. Ақли расо инсонга бу кундек равшан. Гоҳида ўйлаб қоламан, нега илгарироқ учратмадим сени — демак, бу тақдир.

Оқшомда сен билан биринчи бор учрашган анҳор бўйига бор-дим. Ёқимли жилдираб оқаёт-ган сувга эътибор берсам, худди парилар билан сўзлашаётган-декман. Кўнглим юмшаб тур-ган бир пайтда, билагимга ёмғир томчилари туша бошла-ди. Самога назар солдим, юл-дузлар тиниқ, қора булут йўқ.

Балки бу телбаликдир, ҳис-сиётга берилиб эҳтирослар ола-мига учибману кўздан оққан ёшни ёмғир деб ўйлаганим ўзимга ҳам қизиқ туюлди. Кўкдаги ҳилол олдида бироз уялдим, хаёлимда эса сен. Кўнглим доим бир нарсани такрорлайди — бу дунё фони-дур. Ушбу дунё инсон учун қизиқ қилиб яратилган бўлса ажаб эмас. Икки дилинг бир-бирига боғланиб қолиши ҳам сирлигича қолаверади.

Ой бағридаги майда доғлар ҳойнаҳой юлдузлардан қолган меҳр тамғаси бўлса керак. Сен-дек андишали аёлга бу доғлар ортиқчадир. Гоҳида кўзларингда маъюслик сезилади, сўзларим дилингга озор бердимки, деб ўйлаб қоламан. Сен билан оламни кезгим келади. Беғу-борим, кўзларингни олиб қочма мендан, ҳеч бўлмаса нигоҳла-римиз учрашганда тўйиб олай. Боғда хулш бўй ифор таратаёт-ган гулсан.

Кеч кириб, табиат қўйнида эркаланиб сабо эсмоқда. Ил-ҳом гаштини суриб очиқ ҳаво-дан хонага кирдим. Тебратай деб қўлимга қалам олиб, столга бошимни қўйганимча бир дам уйқуга толибман. Эсаётган ўйинқароқ шамол шовқини уйқумни ўчириб юборди. Муд-роқ тутиб атрофга назар сол-дим. Стол устида оқ қоғозга ёзилган изҳорлар бўлса, бағ-римда сенинг суратинг — су-ратга эса “Ўтган кунлар” фо-жиаси иккимиз учун беғона-дир”, деб ёзиб қўйилган эди.

Осмон тиниқ, сариқ юлдуз деб ном олган қуёш аста-се-кин булутлар орасидан кам-тарона кўруниш бермоқда.

**Баҳодир МҶМИНОВ,**  
ТАТУ қўриқлаш хизмати  
ходими



## ЖЧ-2018. Амалдаги чемпион турнирни тарк этди

Футбол бўйича жаҳон чемпионатининг 3-тур учрашувлари ўтказилди. Гуруҳнинг яқунловчи ту-рида кутилмаган натижалар ва драматик ўйин-лар кузатилди.

### А гуруҳи

Уругвай — Россия 3:0

**Голлар:** 1:0 — 10 Суарес, 2:0 — 23, Черишев (ав-тогол), 3:0 — 90 Кавани.

Саудия Арабистони — Миср 2:1

**Голлар:** 0:1 — 22 Салоҳ, 1:1 — 45, пеналти Ал-Фараж, 2:1 — 90 Ал-Досари.

Ушбу гуруҳда Уругвай ва Россия кейинги бос-қичга чиқди.

### В гуруҳи

Испания — Марокаш 2:2

**Голлар:** Иско 19, Я.Аспас 90+2 — Бугаиб 14, Эн Носири 81

Эрон — Португалия 1:1

**Голлар:** Ансарифард 90+3 — Куарежма 45.

Гуруҳда биринчи ўринни эгаллаган Испания ним-чорак финалида Россия билан, Португалия эса Уруг-вай билан баҳс олиб борадиган бўлди.

### С гуруҳи

Дания — Франция 0:0

Австралия — Перу 0:2

**Голлар:** 0:1 — 18 Каррильо, 0:2 — 50 Герреро. Франция ва Дания 1/8 финалга йўл олди.

### Д гуруҳи

Исландия — Хорватия 1:2

**Голлар:** 0:1 — 53 Бадел, 1:1 — 76, Сигурдссон (пеналти), 1:2 — 90 Перишич.

Нигерия — Аргентина 1:2 (0:1)

**Голлар:** 0:1 Месси (14), 1:1 Мозес (51, пен.), 1:2 Рохо (86).

Плей-оффнинг дастлабки босқичида Хорватия терма жамоасига Дания рақиблик қилади. Арген-тина эса Франция билан беллашади.

### Е гуруҳи

Жанубий Корея — Германия 2:0 (0:0, 2:0)



**Голлар:** 1:0 — 90 Ким Ен Гвон, 2:0 — 90 Сон Хин Мин.

Мексика — Швеция 0:3

**Голлар:** Аугустинсон 50, Гранквист 62 (пен.), Алварес 74 (автогол).

Амалдаги Жаҳон чемпиони Германия гуруҳдан чиқа олмади ва турнири тарк этди. Мексика ва Швеция мусобақани давом эттирадиган бўлди.

### Е гуруҳи

Сербия — Бразилия 0:2 (0:1, 0:1)

**Голлар:** 0:1 — 36 Паулинио, 0:2 — 68 Тиаго Силва. Швейцария — Коста-Рика 2:2 (1:0, 1:2)

**Голлар:** 1:0 — 31 Джемали, 1:1 — 56 Уостон, 2:1 — 88 Дрмич, 2:2 — 90, автогол Зоммер.

Бразилия 1/8 финалда Мексика билан, Швей-цария эса Швеция билан ўйнайди.

Кеча, 28 июн кечасида “Г” ва “Н” гуруҳла-рида ҳам 3-тур ўйинлари ўтказилган. Унда Япо-ния — Полаша, Сенегал — Колумбия, Англия — Белгия, Панама — Тунис терма жамоалари ўзаро баҳс олиб борди.

## Ўтганларнинг охираги обод бўлсин

“Тошкент почтамати” филиа-ли жамоаси Чилонзор почта алоқаси тармоғи бошлиғи Аб-дурашид Назаровга падари буз-руквори

**Ўткур НАЗАРОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиғи жамоа-си рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бош бошқар-маси иқтисодиёт тармоқларида ахборот технологиялари-ни жорий қилиш бошқармаси бошлиғи Баҳром Зияевга падари бузруквори

**Қобил ЗИЯЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

# ЁЗУВИМИЗДАГИ ХАТОЛАР ҚАЕРДАН КЕЛЯПТИ?

Бундан бир кун аввал юртимизда Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кuni кенг нишонланди. Жойларда байрам тадбирлари ташкил этилиб, журналистларга алоҳида иззат-икром кўрсатилди, уларнинг машаққатли, шу билан бирга, шарафли меҳнатлари муносиб баҳоланди. Зеро, республикамиз аҳолисини юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, ҳукуматимиз сиёсати, хориж янгилликлари билан мунтазам таништириб бораётган “инсон қалби муҳандислари” меҳнати ҳар қанча ҳурматга, эъзозга арзийди.

Ушбу кунда мен ҳам ўзгача ҳаяжонланман, журналист дўст ва танишларимни байрамлари билан табриклайман, уларга чин дилдан ишларига ривож, ўзларига мустақкам соғлиқ тилайман. Бу азборойи қалам ахдларига бўлган ҳурматим юқорилигидан. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор, албатта.

1946 йилнинг 12 июлида хоразмлик ўқитувчи Матрасул Худойбергенов оиласида таваллуд топдим. Ота-онамнинг тўққиз нафар фарзанди бўлган. Улар бизнинг ҳар биримизни ўқимишли инсонлар бўлишимиз учун ҳаракат қилишди. Бу йўлда вақтини ҳам, соғлигини ҳам аяшмади, натижада ҳаммамиз олий маълумотли мутахассислар бўлдик. Бунинг учун улардан бир умр миннатдоримиз.

Узоқ вақт давомида Хоразм вилояти халқ таълими бошқармасини бошқарган отам бир мuddат “Хоразм ҳақиқати” газетасида бош муҳаррир ўринбосари бўлиб ҳам ишлаган. Ушунда у кишининг ҳар бир сўзини инжу каби эҳтиёт қилишларига, ўз ўрнида ишлатишга ҳаракат қилганларига гувоҳ бўлганман. Отажоним биз фарзандлардан ҳам сўзга ана шундай муносабатда бўлишимизни талаб қилар, ўша давр тақозосига кўра гарчи рус тилидаги мактабда ўқиган бўлсак-да, ўзбек тилини пухта ўрганишга даъват этарди.

Отам шу даражада кўп матбуот нашрларига обуна бўлардики, почтачининг газета-журналлар солган сумкаси бизнинг



уйимизда бўшаб қоларди. Биз ана шу нашрларни талашиб муролаа қилардик. Газета-журналлар бизни ҳар бир воқеа-хотиса устида мулоҳаза қилишга, энг муҳими, сўзларни бехато ёзишга ўргатди. Шу сабаб гарчи аввал мактабда, 1964-1969 йиллар давомида Тошкент электротехника алоқа институтининг рус гуруҳида таълим олган ҳамда дастлаб Хоразмдаги телемарказда етакчи муҳандис, сўнгра пойтахтимиздаги Халқлар дўстлиги саройида овоз билан таъминловчи муҳандис бўлиб ишлаган пайтларимда ҳам шу тилда иш олиб борган бўлишимга қарамай ҳамон ўзбек тилидаги асарларни севиб ўқийман, мулоҳаза қиламан, минг шукурки, бехато ёзаман.

Пенсияда эмасманми, невараларим билан гўзал пойтахтимиз кўчаларини айланиб, янгидан-янги бунёд этилаётган биноларни, боғ ва хиёбонларни томоша қилишни яхши кўраман. Ана шундай пайтларда бир нарса дилимни хира қилади. У ҳам бўлса, реклама ва ёзувлардаги хатолардир.

Кўчалардаги эълонларни ўқийман: “Гиждуван шашлик-лари”, ёнида эса “Самса с мясом, с картошкой, с тиквом” сўзларини катта ҳарфларда ёзиб, илиб кўйишибди. Шунингдек, “Гузалик салони Каммила”, “Фотосалон Элдлар” каби пешлавҳалар. На она тилимизда ва на рус тилида тўғри ёзилмаган жумлалар. Бу каби хатолар қаердан келяпти? Албатта, уларни ёзган одамларнинг чаласаводлигидан. Бу чаласаводликка сабаб нима? Биринчи навбатда, мактабда яхши ўқимаганлик, қолаверса, ёшларимизнинг интернетга муккасидан кетганлигида, деб ўйлайман.

Авалло, айрим интернет нашрларидаги хабар ва мақоаларнинг мавжуд. Қолаверса, уларни ўқийётган одам хатоларга эътибор бермайди, ўқувчига янгилликлардан хабардор бўлиш муҳим. Шу тариқа биз сўзлардаги хатоларни олдий ҳол деб билияпмиз, уларга кўникиб бораяпмиз. Энг ёмон томони ҳам шу.

Шу сабаб мен бир фахрий алоқачи сифатида тўлиқ ишонч билан айта оламанки, ҳаётимизда матбуот нашрларининг ўрни катта. Ахир газетани ёки журнални қўлга олиб, хотиржам ўқиб чиқмоққа нима етсин! Қолаверса, газета-журнал ижодкорлари матнда нафақат имло, балки стилистик хатоларга ҳам йўл қўймасликка ҳаракат қилишди. Отам (Аллоҳ ўз раҳматига олсин) газетанда ўтадиган хатолар журналистнинг умр кушандаси дер эди ва ана шундай хатога йўл қўймаслик учун саҳифаларни бир неча бор синчилаб ўқиб чиқарди. Ҳозирги журналистларимиз ҳам худди шундай йўл тутушди. Шу сабабли, менимча, газета ёки журнал ўқиган инсон муролаа жараёнида сўзларни тўғри ёзишни ҳам ўргана боради. Шу сабаб биз фарзандларимизни китобга, матбуот нашрларига ошно қилсак, чаласаводликдан ҳам маълум даражада қутулган бўлармик.

Зевар ХУДОЙБЕРГЕНОВА, фахрий алоқачи

### Ғажриятдан:

Ҳурматли газетхонлар! Зевар опанинг мулоҳазалари ҳақида қандай фикрдасиз? Уларни бизга ёзиб юборинг.

|   |  |  |
|---|--|--|
| <p><b>Xabar</b></p> <p>МУАССИС:</p> <p>ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРЛИГИ</p> <p>Бош муҳаррир вазифасини вақтинча бажарувчи: Абдуғани АБДУРАҲМОҶОНОВ</p>  | <p>ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:</p> <p>Азим АХМЕДХАДЖАЕВ (Ҳайъат раиси), Фарҳод РЎЗИЕВ, Евгений БИРГЕР, Тўлқин ТЕШАБОВЕВ, Лутфилло ТУРСУНОВ (масъул котиб).</p>   | <p>МАНЗИЛИМИЗ:</p> <p>100105, Тошкент, Тўлқимаржон кўчаси, 6-уй.</p> <p>Тел.: 291-43-92, 291-43-28, 291-43-61, 291-43-78</p> <p>Факс: 291-43-70. E-mail: info@xabar.uz</p> |
|   | <p>Тахририятга келган кўл ёзма ва суратлар эгаларига қайтарилмайди. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқланishi мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда “Xabar”дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади. Баҳоиси келишилган нархда.</p> | <p>Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БЎРИЕВ. Навбатчи: Муборак МИРКАМОЛОВА.</p>   |
| <p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2013 йил 23 июлда рўйхатга олинган.</p>   | <p>“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзил: Тошкент шаҳри, “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.</p>   | <p>G-643 сонли буюртма. Офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табақ. Адади: 3388 нусха.</p>   |
| <p>Вилоят муҳбирлари:</p> <p>Андижонда Бухорода Жиззахда Наманганда Навоийда Нукусда Самарқандда Термизда Тошкентда Урганча Фарғонада Қаршида</p> <p>226-47-80 (0365)600-87-21 (94) 199-95-64 (91) 353-71-25 225-91-10 554-35-45 (91)557-84-44 (91)235-88-68 291-43-28 (97) 211-65-05 244-18-05 (93)931-08-99</p> | <p>ISSN 2010-6424</p> <p>Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.</p>   | <p>ISSN 2010-6424</p>  |